Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 28 сентябрь, пайшанба. №119 (21.882). Сотувда эркин нархда.

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

26 сентябрь куни Швеция Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Свен Хирдман мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Свен Хирдман Швеция ҳукумати Ўзбекистон билан мавжуд дўстона алоқаларни янада кенгайтириш, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ниятида эканини қайд этди. У ҳар икки мамлакат ўртасидаги ушбу муносабатлар ривожига ўз ҳиссасини қўшиш учун барча имкониятларини ишга солишини айтди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон барча давлатлар, жумладан, Швеция билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган алоқаларни равнақ топтиришга тайёрлигини маълум қилди. Ислом Каримов Свен Хирдманнинг ҳар икки мамлакат халқлари ўртасидаги ҳамкорлик, ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш йўлида самарали фаолият кўрсатишига умид билдириб, унинг ушбу масъулиятли вазифани адо этишида муваффақият тилади.

***

Шу куни Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жан Клод Ришар ҳам мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

— Франция ҳукумати Ўзбекистоннинг мамлакатда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш йўлида ўтказаётган сиёсатини катта қизиқиш ҳамда хайрихоҳлик билан кузатмоқда, — деди Жан Клод Ришар ишонч ёрлиғини топшириш чоғида. — Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик дастлабки самараларини бераётганига қарамай, ҳали у дастлабки босқичда турибди. Янада самарали ҳамкорлик учун эса катта имкониятларимиз мавжуд.

Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар тарихига тўхталиб, ушбу хайрли анъана буюк бобокалонимиз Амир Темур давридан бошланганини қайд этди.

— Бугун эса мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ана шу қадимий анъаналардан озиқ олган ҳолда равнақ топмоқда, — деди Ислом Каримов. — Франция ҳукуматининг Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни, жамиятимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ўзгаришларни қўллаб-қувватлаётганини юқори баҳолаймиз. Биз ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини янада ривож топтиришга тайёрмиз.

Мамлакатимиз раҳбари элчининг янги масъулиятли ва шарафли вазифани адо этишида муваффақият тилади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: ишонч ёрлиқларини топшириш пайтидан лавҳалар.

А. ТЎРАЕВ тасвирга олган.

## „ОҚ ОЛТИН" хирмонига

### ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 27 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

*(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)*

| Вилоятлар | Бир кунда | Мавсум бошидан буён |
|---|---|---|
| Андижон | 2,64 | 87,80 |
| Хоразм | 2,09 | 76,48 |
| Фарғона | 2,13 | 71,85 |
| Наманган | 3,10 | 67,30 |
| Бухоро | 2,46 | 66,29 |
| Сурхондарё | 1,75 | 51,17 |
| Навоий | 3,39 | 50,64 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1,91 | 50,46 |
| Қашқадарё | 3,02 | 44,95 |
| Самарқанд | 2,84 | 40,38 |
| Тошкент | 3,81 | 36,66 |
| Сирдарё | 3,26 | 29,46 |
| Жиззах | 3,20 | 29,02 |
| **Республика бўйича** | 2,68 | 54,34 |
| **1994 йилда** | 2,57 | 36,70 |

### ҚАҲРАМОН МАРРАДАН ЎЗДИ

Комилжон Мамажонов ёшлигидан Тошлоқ тумани чўлларида деҳқончилик қилади. Марказий Фарғона чўлларини боғ-бустонга айлантиришда иштирок этди. У ХДП ташкил топган кундан буён унга аъзо бўлиб, сиёсий ташкилот обруси, халқ орасида партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш ишларида ўзини кўрсатиб келади. Президентимиз Фармонига биноан мамлакатимиз деҳқонлари ичида биринчи бўлиб «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони берилганлиги Комилжон акани руҳлантириб юборди.

Аҳил бригада жамоаси билан тумандаги Холматжон Марозиқов номли жамоа хўжалигида 115 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирди.

Беш иш кунида 395 тонна «оқ олтин» терим агрегатлари ёрдамида йиғиштириб олиниб, режа уддаланди. Шу кунларда бригада жамоаси ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказиш учун қурашмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## АЁЛЛАР ҲИММАТ КАМАРИН БОҒЛАШДИ

Дўстлик туманидаги Қосим Раҳимов номли ижара ширкатлари бирлашмасининг 50 нафар пиллачи аёллари бошлаган ташаббусни эшитиб, улар ҳузурига бораётганимда ҳам, суҳбатлашиб қайтаётганимда ҳам юртбошимизнинг «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган сўзлари хаёлимда чарх урарди. Бу сўзлар жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқароси учун яшаш ва меҳнат қилишнинг мезонига айланиб қолганига ишондим. Ахир, бу аёлларни биров пахта теришга, тонг саҳардан эгатлар оралашга мажбур ҳам, ташвиқ ҳам этгани йўқ. Қалб амри, виждон даъвати билан далаларга йўл олишди. Улар режадаги 4,5 тонна ўрнига 5,6 тонна пилла хирмонини яратиб, эл-юрт олдидаги бурчларини уддалаб қўйишган. Лекин бугун бу пиллакорлар теримчилар бригадасини ташкил этишиб, пахтазорларга чиқишди.

Олийҳиммат аёллар бирлашманинг Тангриберган Қўшилов бошлиқ звеноси даласида пахта теришаётган экан. Тарози ёнида биринчи учрашганим уларнинг сардори Ҳавохон Мадумарова бўлди. Кўклам икки қути уруғдан 300 килограмм «қумуш тола» берган, туман ва вилоятда мақталган аёл. Белига этак боғларкан, «Мавсумда 10 тонна пахта теришга аҳд қилдим», деди-да пахтазор томон йўл олди. У билан ёнма-ён эгат оралай бошлагандим, қўшимча қилди: «50 аёл 250 тонна пахта термоқчимиз. Имкониятларимизга қараб, биров 3 тонна, биров 5 тонна, олти киши 10 тоннадан мўлжалладик».

Ҳавохоннинг гапларини ён дафтарга туширгунимча қаторларни тозалаб, анча нари кетган эди. Улар ҳолидан хабар олгани келган бирлашма директори Худойқул Холбеков пахта орқалаб пайкалдан чиқиб келаётган аёлни тўхтатди.

— Бу киши Зарифахон Саидова бўладилар, — деди у менга юзланиб, — Ҳавохон билан ким ўзарга баҳслашган. 12 тоннадан кам терсам, отимни бошқа қўяман, деб юрибди. Пилла етиштиришда ҳам Ҳавохондан 20 кило ўзган эди.

Зарифа Саидова вақтини қизғанди шекилли, «Ҳа, шундай» деганича тарозига ўтиб кетди. Пайкалда эса терим қизирди. Зарифа ва Ҳавохондан сўнг Лочиной Каримова, Раъно Файзуллаева, Келсиной Муротова, Маҳфуза Саидқулова ва бошқалар хирмонга қут-барака тўкдилар.

Бирлашма директори олийҳиммат аёлларнинг ҳар бирига миннатдорчилик изҳор этаркан, бу йил ҳам бултур ва бурноғи йилдагидай Жиззах вилоятида карвонбоши бўлишларига умид қилди. Дарвоқе, терим машиналари ҳам бўш тургани йўқ. Бугунги кунда бирлашманинг 60 та терим машинаси далаларни ларзага соляпти. Узоғи билан бир ой ичида режадаги 7,5 минг тонналик хирмон ошиғи билан тикланади. Бунинг учун ҳосил кўп, имконият эса етарли.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: илғор теримчилар Зарифа Саидова билан Ҳавохон Мадумарова.

## ИБРАТЛИ ҲАЁТ, САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида мазкур илмий даргоҳ бўлими мудири, уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, юридик фанлари доктори, профессор Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов таваллудининг 70, меҳнат, илмий-педагогик фаолиятининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Институт директори, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов алломанинг ҳаёт йўли, илмий-педагогик, жамоатчилик фаолияти тўғрисида маъруза қилди.

Маърузачи ҳамда сўзга чиққанлар — Ўзбекистон ФА вице-президенти, академик А. Абдувоҳобов, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири муовини Б. Мирбобоев, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси муовини А. Эшметов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори муовини Ё. Жалолов, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори, академик С. Ғуломов, Тошкент Давлат молия институти ректори, академик М. Шарифхўжаев, Ўзбекистон ФА Тарих институти директори, академик А. Асқаров, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғи муовини, ҳуқуқ фанлари доктори Ғ. Абдумажидов, Ўзбекистон ФА иқтисод, фалсафа, ҳуқуқ фанлари бўлими раиси, ФА мухбир аъзоси О. Ҳикматов, таниқли жамоат арбоби С. Азимов ва бошқалар — Ҳ. А. Раҳмонқуловнинг ҳуқуқ фанини ривожлантиришга, юқори малакали ҳуқуқшунос ходимлар тайёрлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси, унинг кенг кўламли жамоатчилик фаолияти, фашизмга қарши урушда кўрсатган матонати, мустақил Ватанимизнинг буюк келажагини яқинлаштиришга қаратилган саъйи-ҳаракатлари ва ибратли ҳаёти ҳақида мароқ билан сўзладилар.

Йиғилиш аҳли алломани юртимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш ишига каттакон улуш қўшажагига қатъий ишонч билдирди.

## ХАЛҚАРО КЎЗГУ

### БАНК БОШЛИҒИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Россия Федерацияси Марказий банкининг Олтой улкаси бўйича бош бошқармаси бошлиғи Александр Аргунов ҳибсга олиниб, унинг устидан тергов ишлари қўзғатилди, деб хабар беради РАТА — ТАСС ахборот маҳкамаси.

У марказлаштирилган кредитларни суиистеъмол қилишда ҳамда пора олишда айбланмоқда.

Банкирнинг адвокати улка прокуратурасининг мазкур ишини асоссиз ҳисоблаб, туман судига шикоят қилди. Бироқ суд Александр Аргуновни озод қилганича йўқ.

### АНАНДНИНГ ҒАЛАБАСИ

**Профессионал шахмат ассоциацияси уюштирган жаҳон чемпионлиги учун Г. Каспаров ҳамда Ананд ўртасида давом этаётган ўйиннинг тўққизинчи партияси душанба куни Ананднинг ғалабаси билан тугади. Шундай қилиб, Нью-Йорк шаҳрида бўлаётган мазкур баҳсда 5:4 ҳисобида Ананд олдинда бормоқда.**

### ОДДИЙ ҚУРОЛЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНМОҚДА

— Беларусь зиммага олинган мажбуриятга биноан оддий қуролларни йўқ қилишни давом эттиради, — деб баёнот берди мамлакат ташқи ишлар вазири Владимир Сенько БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида. Шунингдек, у республика 1997 йилгача пиёдаларга қарши қўлланадиган миналарни экспорт қилишни тақиқлаганини билдирди.

### НИСБАТ ИККИ ЙИЛГАЧА БИР ХИЛ ДАРАЖАДА БЎЛАДИ

**— Грузиянинг мавжуд валюта заҳираси янги миллий пул бирлигиларининг хорижий валюталарга нисбатан амалдаги нисбатини камида икки йил мобайнида бир хил даражада сақлаб туриш имконини беради, деб баёнот берди Грузия давлат раҳбари Эдуард Шеварднадзе миллий пул бирлигини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган йиғилишда.**

**Айни пайтда Грузия миллий банки мамлакат валютасининг 1 АҚШ долларига нисбатини 1,3 лари этиб белгилади.**

### ОЛИМПИАДА ЎТКАЗИШГА ЛОНДОН ҲАМ ДАЪВОГАР

Англияда чиқадиган «Гардиан» газетасининг хабар беришича, Лондон шаҳри маъмурияти 2008 йилда ўтказилажак ёзги олимпиадага пойтахт номзодини қўйиш ниятида. Буюк Британия Олимпия қўмитасининг таъкидлашича, англияликлар ана шу давр ичида янги олимпиада ўйингоҳини қуриб битказишар экан.

Яқинда олимпиада пойтахтига даъвогарлик килган Манчестер ва Бирмингем шаҳарлари номзодлари ўтмаганидан сўнг Буюк Британия Олимпия қўмитаси фақат Лондон шаҳригина бундай масъулиятли тадбирни ўтказишда бошқа шаҳарлар билан беллаша олади, деган тўхтамга келди.

### ЦЕНЗУРА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

**Шри-Ланка ҳукумати оммавий ахборот воситалари мамлакатнинг ҳарбий фаолиятига дахлдор бўлган хабарларга нисбатан цензура жорий қилди. Ҳукуматнинг махсус вакили маҳаллий журналистларга бу ҳақда маълум қилиб, ушбу қонун 22 сентябрдан кучга кирганлигини айтди.**

### АҚШДА ҲАМ «РУС МАФИЯСИ»

Айни пайтда АҚШ ҳудудида бешта уюшган жиноий гуруҳ — «рус мафияси» иш қурмоқда. Улар Американинг 17 та йирик шаҳрида 220 гуруҳга бўлинган ҳолда ҳаракат қилмоқда, деб хабар беради «Ньюсуик» журнали. Журнал «рус мафияси»нинг фаолиятини таҳлил этар экан, у нафақат АҚШда, балки жаҳондаги кўплаб мамлакатларда анча уюшган ва ҳар жиҳатдан таъминланган ҳолда иш кураётгани ҳақидаги фикрни билдиради.

### МУҲИМ МАВЗУДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

**Москвада журналист изланишларининг юридик ва амалий муаммоларига бағишланган халқаро семинар иш бошлади. Мазкур анжуман журналистларнинг халқаро федерацияси ва Россия журналистлар уюшмаси томонидан уюштирилди.**

**Тадбир иштирокчилари журналистларнинг таҳлилий мақолаларини эълон қилишдаги чеклашлар, «қалтис» мавзуларга қўл урган мухбирларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва шу соҳанинг кўплаб бошқа муаммоларини муҳокама қиладилар.**

### ТЎҚҚИЗ НАФАР ЧЎПОН ОИЛАСИГА ҚАЙТДИ

Грузия ҳукумати бундан икки ҳафта илгари абхаз жангарилари қўлга олган тўққиз нафар чўпонни озод қилишга эришди. Маълумки, 11 сентябрда жангарилар тогда 12 нафар грузин чўпонини ва 250 бош қорамолни қўлга олишган эди. Шу давргача гаровга олинганлар Абхазиянинг Очамчири туманида ушлаб турилган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

## ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 26 сентябрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар иштирок этди.

Сотув ҳажми 12,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 33,50 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 27 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 25,18 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,33 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 52,61 |
| 10 Бельгия франки | 11,36 |
| 1 Голландия гульдени | 20,88 |
| 10 Греция драхми | 1,44 |
| 1 Дания кронаси | 6,02 |
| 1 АҚШ доллари | 33,50 |
| 1 Миср фунти | 9,87 |
| 1 Ирландия фунти | 53,73 |
| 1 Исландия кронаси | 0,52 |
| 10 Испания песети | 2,70 |
| 100 Италия лираси | 2,08 |
| 1 Канада доллари | 24,89 |
| 1 Кувайт динори | 112,25 |
| 100 Ливан фунти | 2,08 |
| 1 Германия маркаси | 23,38 |
| 1 Норвегия кронаси | 5,32 |
| 10 Португалия эскудоси | 2,23 |
| 1 Сингапур доллари | 23,26 |
| 1000 Туркия лираси | 0,69 |
| 1 Финляндия маркаси | 7,75 |
| 4 Франция франки | 6,77 |
| 1 Швеция кронаси | 4,79 |
| 1 Швейцария франки | 29,04 |
| 1 ЭКЮ | 43,27 |
| 10 Япония иенаси | 3,35 |
| 1000 Россия рубли | 7,50 |
| 1 Эстония кронаси | 2,95 |
| 1000 Украина карбованеци | 0,20 |
| 1 Латвия лати | 61,47 |
| 1 Литва лити | 8,38 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 0,56 |
| 1 Молдова лейи | 7,39 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,91 |

Марказий банк 1995 йил 27 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 33,50 сўм.

— сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 33,50 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар воқеалар хабарлар

*Ишлаб чиқариш*

### ТЎҚИМАЧИЛИК МАЖМУИ

**• ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Республика Вазирлар Маҳкамаси Гурлан тўқимачилик мажмуи қурилишини тезлик билан тугаллаш ва ишга тушириш тўғрисида қарор қабул қилганди. Бу ерда бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда.**

Тўқимачилик мажмуи фойдаланишга топширилгач, 1,5 минг киши иш билан таъминланади. Корхонани ноябрь ойида ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу ерда Туркия, Италия, Швейцария ва Германиядан келтирилган замонавий технология созланмоқда. Бундай ишларни Туркиянинг «Язекс» корпорацияси уз зиммасига олган. Мажмуа тўла қувват билан иш бошлагач, бу корхонада 3000 тоннадан зиёд пахта толаси қайта ишланадиган бўлади.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

*Хайрия*

### КЎНГИЛЛАРНИ ОВЛАБ

**• БУХОРО (мухбиримиздан). Миллий ва ижтимоий барқарорлик республика жамғармасининг Бухоро вилояти бошқаруви хайрли ишларга қўл урмоқда.**

Жамғарма ташаббуси билан Бухоро тумани «Маданият» жамоа хўжалигида кам таъминланган ва кўп болали оилалардан 80 тасининг фарзандига бепул кийим-кечаклар берилди. «Етим-есир, ногирон болаларнинг кўнглини овлаш, савобли ишга қўл уриш ҳам фарз, ҳам қарздир, — дейди жамғарма раисининг ўринбосари Мирзо Очилов.

Даврон БАҲРОНОВ.

*Қадриятларимиз*

### АДИБ НОМИДАГИ МАКТАБДА

**• ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Қибрай туманидаги 16-ўрта мактабда ўзига хос байрам бўлиб ўтди.**

Бу мактабга 1925 йили асос солинган. Дастлаб уқувчилар Мансурбойнинг мусодара қилинган уйида уқитиларди. Мана орадан 70 йил ўтди. Ҳозир болалар замонавий мактаб биносида билим олишмоқда. Куни кеча иқтидорли ёзувчи Ўктам Усмонов номи берилган бу мактабда билим масканининг ўзига хос туйи нишонланди. Мактабни битириб кетган, ҳозир турли соҳа мутахассислари бўлиб турган собиқ ўқувчилар тўпланишди, ёшлик даврини эслашди. Йиғилганлар ёзувчи Ўктам Усмоновнинг номини дуо билан ёд этдилар.

Мунира АЗИМОВА.

*Янги корхона*

### ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

**• БУХОРО (мухбиримиздан). Ромитан туманида гишт заводлари яна биттага кўпайди.**

«Қўрғон-Ромитан» жамоа хўжалигида йилига 3 миллион дона гишт ишлаб чиқарувчи завод фойдаланишга топширилди. Бу ерда 15 киши меҳнат қилмоқда. Дастлабки маҳсулот кам таъминланган оилаларга арзон нархда тарқатилди. Ҳозир корхонанинг кўпимча цехларини барпо этиб, иш ўринларини уч ҳисса кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Б. ДАВРОНОВ.

*Нашриёт*

### «САДОҚАТ САБОҚЛАРИ»

**• ҲАМАНГАН (мухбиримиздан). Вилоят босмахонасида «Садоқат сабоқлари» китоби чоп этилди.**

Бу китобга уруш қатнашчилари, ҳозирда халқ маорифи тизимида меҳнат қилаётган еки кексалик гаштини сураётган собиқ жангчи муаллимлар ҳақидаги маълумотлар тўпланган. Китобни чоп этиш ишларига вилоят халқ таълими бошқармаси ҳомийлик қилди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ.

*Партия ахбороти*

## ОЛТИНСОЙДАН ҚЎШ ХУШХАБАР

Ўзбекистон ХДП Олтинсой туман кенгаши 276-қурилиш жамоасидан 14 кишининг партия сафига ўтиш ҳақидаги аризасини кўриб чиқди ва ҳал қилди. Ўша куни бу ерда бошланғич ташкилотнинг биринчи мажлиси ўтказилди.

— Ишни иқтисодий ислоҳот яратиш йўлида раҳбарият билан ҳамкорлик қилиш ташкилотимизнинг бош вазифаси бўлиб қолади, — дейди бошланғич ташкилот котиби Жўра Алиев.

Бу йил Олтинсойда ғалла етиштириш режаси вилоятда биринчилар қатори бажарилди. Туман пахта ва узум йиғим теримида пешқадам. Яна бир қувончлиси, Олтинсойга газ келди!

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати тобора ривожланиб бораётир. Хоҳ қари бўлсин, хоҳ ёш бўлсин, тадбиркорлар мўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, халқимизни қувонтиришга ҳаракат қилишяпти. Косонсойлик фермер Аҳмаджон ота Холбеков ҳам шулар жумласидандир. У бир неча йил илгари «Холбек» фермер хўжалигини ташкил этганди. Қисқа вақт ичида бу хўжалик ўсиб ривожланди. Шуниси қувончлики, Аҳмаджон ота шу йилнинг ўзида 350 тонна гўшт етиштирди. «Дўстлик» жамоа хўжалигига эса 2500 тонна буғдой сотди. Ўзига берилган томорқада 10 тонна қовун етиштирди. Шафтоли, ўрик, олма ва бошқа мевалардан мўл ҳосил кўтарди. 6 гектар ерда эса тут етиштирмоқда. Ҳар йили хўжаликка кўплаб барг етказиб беради. Унинг оиласида 10 киши бўлиб, уларнинг ҳаммаси отахонга ёрдам беришади.**

**СУРАТДА: фермер Аҳмаджон ота Холбековни кўриб турибсиз.**

**П. АКБАРОВ олган сурат.**

*Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги*

# ОЗНИ ЎЛЧАБ, КЎПНИ ТЕЖАЁТГАНЛАР



Ўзбекистон — Хитой «Сувжиҳозгаз» қўшма корхонасининг ташкил этилишига қизиқ бир воқеа сабабчи бўлганди. «Тай-Чан» савдо-иқтисодий компанияси раҳбари Хун Юань Чао Чимкент шаҳри тадбиркорлари билан ҳар икки томон учун муҳим бўлган юмушлар юзасидан музокаралар олиб борарди. Иш ниҳоясига етиб қолганда у ўз юртида анчадан бери орзу қилиб юрган — Тошкент билан, унинг одамлари билан танишиш ниятида эканлигини билдиради. Чимкентлик дўстлари уни Ўзбекистон пойтахтига олиб келишади. Муаззам шаҳар кўчалари, хиёбонлари, бозорлари шанба куни эмасми, айниқса гавжум. Деҳқон бозорларида жондан бошқа ҳамма нарса бор. Буюртма автобусларда карнай-сурнай, ноғора-ю чилдирма садолари остида куёвнинг яқинлари келинникига шошиляпти. Ресторанга киришса, тўй базми, қаҳвахонада кимдир 60 йиллигини нишонлаяпти, муҳташам «Анҳор» чойхонаси кайфияти чоғ, шодон одамлар билан тўла — бу ерда ҳам тўй тантанаси. Хитойлик жаноб ҳайратини яширолмай шеригига шундай деди:

— Тўйи кўп халқнинг давлати бой, юрти обод бўлади. Мен аввал Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, тинчлик, осойишталик ҳукм сураётганидан хабардор эдим, лекин ўзбек халқининг бунчалик орзу-ҳаваслилигини билмасдим. Улар билан иқтисодий соҳада ҳамкорликка эришолсам ўзимни бахтиёр деб ҳисоблардим.

Шундан кейин компания раҳбари тошкентлик ишбилармонлар, тадбиркорлар, мутасадди вазирликлар масъул вакиллари билан учрашди, мақсадини айтди. Ниҳоят, шу йилнинг май ойи охирида қўшма корхона — «Сувжиҳозгаз»га асос солинди. Номидан кўриниб турганидек, у ташкилот, муассаса, корхона, шахсий хонадонларга мўлжалланган сув ҳамда газ (счётчик) ўлчагичларини ишлаб чиқариш, ўрнатиш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланади. Ҳозиргача республикамиз корхоналарининг 20 фоизи, шахсий хонадонларнинг эса энди 3 фоизи турли чет мамлакатлардан келтирилган ўлчагичлар билан таъминланганлигини ҳисобга олсак, ушбу қўшма корхона ўз зиммасига нақадар масъулиятли вазифани юклаганини ҳис этиш мумкин.

«Сувжиҳозгаз»нинг бош директори, иқтисод фанлари номзоди Шаҳзод Рустамов билан бўлган суҳбатимиз ҳам корхонанинг республикамиз иқтисодиётига қўшадиган ҳиссаси ҳақида борди.

**— Қўшма корхона маҳсулотларининг Ўзбекистон учун ҳаётий муҳимлигини қандай изоҳлаш мумкин?**

— Бу саволга жавоб беришдан олдин эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчиман, — деди у.— Завод, фабрикалар, идора, ташкилотларда кўпинча тоза ичимлик суви оқизиб қўйилиб, ундан оқава сувлар ҳосил бўлаётгани ва бу исрофгарчиликка қарши жуда суст иш олиб борилаётгани маълум. Хонадонларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Гугуртни тежаш ёки қишда ошхонани илиқ сақлаш мақсадида табиий газ жўмраклари ёқиб қўйилади. Ҳар икки табиий бойлигимиз исрофгарчилигини агар республика миқёсида хомчўт қилиб чиқсак, ишончим комилки — қурилаётган зарар ўн минглаб куб.метрларни ташкил этади. Биз тақдим этаётган жиҳозлар — сув ва газ ўлчагичлар эса худди ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш, бинобарин, катта ҳажмдаги табиий бойлигимизни тежаб қолиш имконини беради. Маҳсулотларимизнинг республика миқёсидаги ҳаётий муҳимлиги ҳам ана шунда.

**— Сизлар ишлаб чиқараётган ўлчагичлар ҳозиргача муомалада бўлган жиҳозлардан нимаси билан фарқланади?**

— Айрим чет эл сармоядорларининг мақсади — маҳсулотларини тезда сотса-ю кўп фойда кўриб юртига қайта қолса. Хитойлик ҳамкасбларимиз бундай йўлдан боришмади. Улар ўлчагичларни тайёрлашдан аввал ўзбек гази таркибини пухта ўрганишди. Кейин унга хос равишда ўлчагичлар ишлаб чиқара бошлашди. Шунинг учун улар ҳозиргача муомалада бўлган жиҳозлардан сифати ва кўп муддатга чидамлилиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Давлат мезони талабларига тўла жавоб беради. Бундан ташқари, улар энг арзон ва фойдаланиш учун жуда қулайдир. Масалан, у Италия ўлчагичидан 50 фоиз, Исроил маҳсулотидан 35 фоиз атрофида арзонга сотилмоқда. Беш йил муддатга кафолат берилиши ҳам буюртмачиларни мамнун этаётир. Мабодо корхона ёки хонадонга ўрнатилган ўлчагич шу муддат ичида ишдан чиққудек бўлса, узоғи билан икки кеча-кундузда янгисига алмаштириб берилади.

**Сув ва газ ўлчагичлар фақат тежамкорлик учун хизмат қилади. У корхона, муассаса, ташкилот ва айни пайтда шахсий хонадон соҳиблари учун ҳам фойдали.**

***

**Қўшма корхона маҳсулотлари нархи Италиянинг шундай жиҳозларидан 50 фоиз, Исроил ўлчагичидан 35 фоиз атрофида арзон.**

**Ўлчагичлар тез ва аниқ ўлчайди. Юқори босимга бардошли. Электрон ҳисоблагичи билан таъминланган. Шу жиҳатдан у АҚШ, Франция, Германияда ишлаб чиқарилган асбоблар қаторида туради.**

***

**Ўлчагич асбоблари шундай тузилганки, ички мосламалардан бирортаси ишдан чиқса, уни тезда алмаштириш мумкин. У узоқ муддат хизмат қилишига кафолат берилган.**

**— Шахсий хонадон соҳиблари газ ёки сув ўлчагичларини ўрнатишдан қандай манфаат кўришлари мумкин?**

— Шундай саволни кутган эдим. Аввало, ўлчагичлар ҳақида икки оғиз сўз. У энг қулай жойга ўрнатилади. Хонадонга борадиган қувурча (диаметри) йўғонлиги ўлчаниб, ундан ўтадиган газ ёки сув ҳажми 24 соатга кўпайтирилиб, кейин нарх чиқарилади. Оддий ҳисоб-китоб шуни кўрсатдики, суюқликни қанчалик сарфлашингизга қараб, ўлчагич аниқ кўрсатиб боради. Агар хонадон соҳиблари бир неча кун уйда бўлишмаса, сарф йўқ. Демак, ўлчагич ҳам «дам олади». У ўрнатилмаган хонадонда эса уйда бўлиш-бўлмасликдан қатъи назар, ўртача ҳисобда энергия учун ҳақ тўлашга мажбур. Хуллас, истеъмолчи ҳам ўзига яраша манфаат кўради. Қолаверса, у ҳам ўз навбатида бойлигимизни тежаб, уни келгуси авлодга етказиш ишига ҳисса қўшган бўлади.

Мутахассислар билан гаплашамиз — ҳаммаси олий малакали, ўз ишининг билимдони. Ташқи иқтисодий алоқалар ва маркетинг, ишлаб чиқариш, молия ва умумий бўлимларда самарали меҳнат қилаётган техника фанлари номзоди Ҳикматилла Мўминжонов, иқтисод фанлари номзоди Эркин Ибраев, Муяссар Исамуҳамедова, Валентина Арсеньевна Горбык, Зиёвуддин Нуритдинов сингари жонкуярлар корхона шарафини кўтаришга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳар бир ходим икки ой синаш муддати билан ишга олинар экан. Бундай тартиб ўз навбатида мутахассисларда ишга чуқур масъулият ҳиссини уйғотиш билан бирга бор билим ва тажрибаларини асосий мақсадга сарфлаш лозимлигини ҳам тақозо этади. Қарс икки қўлдан деганларидек, маъмурият ҳам уларга моддий ва ижтимоий ёрдамини аямаяпти. Ходимларга шаҳар транспортида бепул қатнаш учун ойлик йўл паттаси берилиши, ойлик маошнинг ўртача 3,5 минг сўмга етказилиши, бепул тушлик билан таъминланиши шулар жумласидан.

Корхона идорасига кираверишда ўлчагичлардан намуналар ва уларни қандай ўрнатиш кераклиги хусусида тавсиялар берилган. Жиҳозлар билан атрофлича танишишни истаганлар кўргазма залига марҳамат қилишлари мумкин.

— Икки томонлама имзоланган шартноманинг қандай бажарилаётгани ҳақида савол туғилиши табиий,— деди Ш. Рустамов. — Бу борада шуни айтиш лозимки, шартнома шартлари беками-кўст бажарилишига эришилмоқда. Хитойлик тадбиркорлар бизга 26 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот етказиб бериши керак. Ҳар ойда у ердан жўнатилаётган ўлчагичлар 30 минг донани ташкил қилаётир. Биз ўз навбатида корхонага тушаётган буюртмаларга асосланиб туриб, жиҳозлар тури ва сони юзасидан шерикларимизни хабардор қиламиз. Мижозларни кўпайтириш мақсадида вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Ана шу ҳамкорликнинг дастлабки маҳсули сифатида Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Бухоро ва Хоразмда корхона филиаллари очилди. Мутахассисларимиз томонидан у ерларда ташкилий, ташвиқот ва маркетинг ишлари амалга оширилаётир. Кейинчалик барча вилоят марказларида шундай филиалларни очиш кўзда тутилган. Шуни таъкидлаш керакки, «Сувжиҳозгаз» сув ва газ сарфини ҳисоблаб берадиган ўлчагичларни ишлаб чиқариш, ўрнатиш, кафолатли хизмат қилиш билан шуғулланадиган республикада ягона корхонадир. Йил охиригача ўзимизда кўплаб йиғув цехлари барпо этилади. Шу боис мутахассисларимиз ушбу жиҳозлар тайёрланаётган Хитой заводларига бориб малака ошириб қайтмоқдалар. Шунингдек, Ўзбекистон уйжой коммунал хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг тажрибасини кўпроқ ўрганишга ҳаракат қиляпмиз.

Хитой Халқ Республикаси томонидан қўшма корхонанинг бош менежери жаноб Хун Юань Чао суҳбатимиз якунида: «Сизнинг республикангизда табиий бойликлар шунчалик кўпки, у чет эл сармоядорлари учун ҳали очилмаган қўриқдир, биз бундай мамлакат билан доимий ҳамкорлик қилишга тайёрмиз» деди.

**Абдунаби МАННОПОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.**

***

**СУРАТЛАРДА: қўшма корхона бош директори Шаҳзод Рустамов ва бош менежери Хун Юань Чао.**

*Спорт*

## МАҲОРАТ МАКТАБИ

**ТОШКЕНТДА Дэвис кубоги учун халқаро теннис бўйича Ўзбекистон — Хитой терма жамоалари ўртасида ўтказилган учрашувлар якунланди.**

Сирасини айтганда, мухлислар бу учрашувга қатта умид боғлашган эди. Теннисчиларимиз муваффақият қозониб, Осиё ва Океания мамлакатлари ўртасида биринчи гуруҳга йўлланма оладилар деб ният қилгандик. Афсуски, Тошкентдаги «Динамо» теннис ўйингоҳида уч кун давом этган баҳсларда имкониятлар бой берилди. Аслида теннисчиларимиздан Олег Огородов билан Дмитрий Томашевич майдонга тушишлари кўзда тутилганди. Лекин, Дмитрийнинг кутилмаганда касалга чалиниши қимматга тушди. Огородов эса ишончни оқлади. У, Ся Цзя-Пин билан ўйинни ўз фойдасига ҳал қилди. Дмитрий эса Пан Бин билан учрашувда ютқазди. Кейин Дмитрийнинг ўрнига Вадим Куценко майдонга тушди. У Огородов билан бирга жуфтлик баҳосида маҳорат кўрсатолмади. Шунда Огородов ёлғизланиб қолди. Оқибатда умумий ҳисоб меҳмонлар фойдасига 2:1 бўлди. Мусобақанинг учинчи куни Олег Пань Биндан устун келиб, умумий ҳисобни тенглаштирди. Аммо, якунловчи ўйинда Куценко рақиби Ся Цзя-Пин ҳужумларига дош беролмади. Шундай қилиб, биринчи гуруҳга ўтиш учун бериладиган йўлланма бой берилди. Мусобақа теннисчиларимиз маҳорат мактаби бўлиб қолди.

## ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

• **ОЛИЙ ТАБАҚА**. Навбатдаги тур ўйинларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Навбаҳор» — «Темирйўлчи» — 4:1, «Динамо» — МҲСК — 1:2, «Машъал» — «Пахтакор» — 1:3, «Чирчиқ» — «Трактор» — 0:2, «Атласчи» — АСК — 1:0, «Янгиер» — «Наврўз» — 1:0, Ҳозир «Навбаҳор» 60 та очко билан пешқадамлик қилмоқда.

• **ЧЕМПИОНЛАР КУБОГИ.** Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси Семипалатинск шаҳрида «Елимай» футболчилари билан такрорий учрашувда ютқазиб (1:4), ўйиндан чиқишди. Футболчиларимиз биринчи ўйинда ғалаба (3:1) қозонишган эди.

• **БИРИНЧИ ТАБАҚА**. Мамлакат чемпионатининг иккинчи давраси ўйинларини тугатган жамоалар ўртасида кучлилар аниқланди. «Динамо», «Зарафшон», «Насаф», «Прогресс», «Диёр», «Тегирмончи», «Кушон», «Чилонзор», «Ғазалкент», «Маданият», «Бахт» ва «Боғдод» жамоалари 1-19 октябрь кунлари олий табақага ўтиш учун ўзаро баҳслашадилар.

*Дил бирлиги — эл бирлиги*

# ҲАЁТНИНГ ТЕКИС-НОТЕКИС ЙЎЛЛАРИ

### ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ АЪЗОСИ МАНСУР ҚЎШБОЕВ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Қишда ҳам, ёзда ҳам мудом унгайсизлик туғдиради бу ердаги йўллар. Аммо Қўшработни, унинг бепоён даштларини эрта кўклам қўрмабсиз-да. Ёнингдаги ҳар бир жилғадан шилдираб сув оқиб туради, жаннатий жаранги бор бу сувларнинг, жаннатий тароватли бор бу қирларнинг. Танти, мард чорвадорлари, ғаллакорлари бор бу даштларнинг. Жуманбулбулни сайратган думбирасию илҳомбахш тоғлари бор бу юртнинг. Қоруви шайтондан кучли чавандозлари бор. Қўклам чоғи келаверинг бу юртга!

Очиғини айтганда, бу юртда ғалла ва чорвадан бошқа соҳалар деярли ривожланмаган, ишсизлик даражаси юқорилиги ҳамда чекка туман бўлганлиги туфайли унчаям назарга тушавермас эди. Бир замонлар саноат ишлаб чиқариши йўлга қўйилмаганлиги боис айни кездаги ҳукуматимизнинг асосий сиёсати бўлмиш иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бу ерда бирмунча мураккаб кечиши табиий бир ҳол.

Албатта, бусиз бирорта ижобий ўзгаришга эришиш ҳам мумкин эмас. Лекин бир ҳақиқат бор: хўжаликнинг ишлари юришиб кетиши асосан раҳбарнинг тадбиркорлигига, шижоатига боғлиқ. Мен буни Қўшработ мисолида кўряпман.

Бултур «Ўзбекистон овози»да туманда ғалла етиштиришдаги жиддий камчиликлар танқид қилинган эди ва шундан сўнг туман раҳбари ишдан олинган эди. Очиғи, бундан кейин ҳам бу чекка туманда бирор ўзгариш бўлишини тасаввур қилолмаган эдим.

Аммо, шу қисқа муддат ичида, таъбир жоиз бўлса, бутун туманнинг қони юришиб кетди. Янги раҳбар албатта, осмондаги ойни олиб бергани йўқ. Бироқ тўғри ишласа, ғайрат қилса, имконият ҳам, ризқ ҳам оёқнинг тагида ётганини кўрсата билди. Энг муҳими, тўраликка чек қўйилди. Ўзибуларчиликдан воз кечишга ундади. Одамларда ишонч уйғота олди.

Энди икки оғиз сўз янги раҳбар ҳақида. Мансур Қўшбоев. 1953 йилда Култўсин қишлоғида туғилган. Қаттиқчиликнинг қаттиқ нонини еб, шу ерда улғайган. «Қаттиқ нон» еганига сабаб — ун ёшида отасидан жудо бўлган. Боз устига тўнгич фарзанд... Аввал Самарқанд савдо техникумини, сўнгра қишлоқ хўжалик институтини сиртдан битирган. 1972-85 йилларда ўзи туғилиб вояга етган ҳозирги «Халқобод» ижара хўжалигида ҳисобчи, бош ҳисобчи бўлиб ишлаган. Сўнг қариб ўн йил шу хўжаликка раҳбарлик қилган. Айтиш жоизки, ёш бўлишига қарамасдан хўжалик марказию қишлоқларини ўзгартириб юборди. Ў нинг омилкорлигидан, раҳбарлик истеъдодидан эканлигини ҳамма тан олди. Ахир, бутун майдони тоғу даштдан иборат каттакон хўжаликнинг барча қишлоқларига асфальт етқизиш унча-мунча раҳбарнинг қўлидан келмас. Марказий қўрғонда эса янги бинолар, завод, кичик заводлар, фабриканинг филиалларини бунёд этиш ҳам раҳбарнинг салоҳиятига боғлиқ. Шу сабабдан ҳам бултур сентябрда Мансур Қўшбоев туман ҳокими этиб тайинланганида кўпчилик хурсанд бўлган чиқар. Унинг обру-эътибори ўзига етарли. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоси: «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» унвони соҳиби.

Ҳўш, бу одам ҳоким сифатида туманда нима каромат кўрсатиб қўйди, дерсиз. Очиғини айтганда, атиги бир йил ичида катта бир туманни ободонлаштириб юборди. Айни чоғда аввалги раҳбарнинг маромига ўрганган одамларнинг кайфиятини ўзгартириш, жойлардаги раҳбарларнинг жавобгарлигини ошириш, фуқаролар учун энг зарур ҳисобланмиш яхши яшашга адолат йўли билан ишонтириш, амалга ошиши жуда қийин туюлган ишларни ўз ташаббуси билан биринчи бўлиб бошлаш — бу ҳам чакана иш эмас.

Хусусан, ҳозирги қуннинг гапи — чорва ҳамда ғаллага ихтисослашган туманда иқтисодий ислоҳотлар қай йўсинда бажариляпти, деб ҳам сурарсиз. Айтиш жоизки, бултурги ғалла етиштиришдаги муваффақиятсизликни такрорламаслик бу йилги биринчи даражали вазифага айланди. Ва бунинг учун шудгорлаш ҳамда ғалла экишни вақтида дунёриш лозим эди. Натижа шу бўллики, ғалла ноябрь ойининг ўрталарида тўлатўкис экиб тугалланди. Энди техникани созлаш ёхуд эскиларини алмаштириш зарур бўлди. Иқтисоди оқсаб турган туманга Россиядан комбайнларни сотиб олиб келиш учун озмунча маблағ кетармиди. Раҳбар ҳисоблаб кўрса, Красноярск ёки Ростов-Дондан 2 та комбайннинг пулига 100 та комбайн учун эҳтиёт қисм олиб келиш мумкин экан. Шуни ўйлаб, махсус вакиллар жўнатиб эҳтиёт қисмлар олиб келинди.

Туманда ғалла экиш учун қўшимча ерлар кўп. Шу боис баҳор чиқиши билан қўшимча ерлар ҳам ҳайдала бошланди. Бунинг биринчи фойдаси — резерв ер кейинги йилга тайёрланиб, бир мавсумлик вақт тежалди. Иккинчидан, техникадан унумли фойдаланилади. Учинчидан, ер алмашланади, яъни кузда экин экилган ерга кейинги мавсумгача дам берилади. Зеро, бизни туйдирувчи ерни ҳам авайлаш лозим. Лалмикор ерлардан шу йўсин фойдаланиб-гина самарага эришиши мумкин. Бу борада туман ҳокимияти томонидан ғаллачиликни кескин ривожлантириш оид «Ғалла-95» дастури ишлаб чиқилди ва шу дастур вилоят ҳокимияти томонидан маъқулланди.

Иқтисодни мустаҳкамлашнинг асосий йўлларидан бири хусусийлаштириш экани бугунги кунда барчага аён бўлиб қолди. Хусусийлаштириш масаласи Президентимизнинг деярли ҳамма маърузаларида қайта-қайта таъкидланмоқда. Қўшработ туманида ҳам 150 дан зиёд отар ва ферма давлат тасарруфидан чиқарилиб, чўпонлар билан шартнома тузилди. Бунинг маъноси чўпонлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди, деган гап эмас. Улардан талаб қилинадигани — маҳсулот. Чўпонга ем-емиш етказиб берилади. Беминнат ветеринария хизмати кўрсатилади, қўра-кўтонлар таъмирлаб берилади. Ҳозиргача 2000 бошдан зиёд қорамол хусусийлаштириб берилди. Бундан ташқари, 500 кишидан зиёд токзор хусусийлаштирилиб, боғбонларга топширилди.

Мансур аканинг айтишича, хўжаликларнинг катта-кичиклигида гап йўқ. Майли, у кичкина жамоа хўжалиги бўлсин, лекин ўз ҳисобида пули бўлсин, боқимандалик касаллигидан қутулсин. Бунинг учун хўжаликларда нокерак штатларнинг ҳаммаси қисқартирилди. Звено деган нарса бутунлай тугатилди. Дастлабки аниқ режалар тузилди. Хўжаликларга ер, техника берилди. Ёқилғининг узлуксиз етказиб берилиши чоралари кўрилянти.

Маълумки, Қўшработта ҳануз табиий газ келтирилмаган эди. Туман аҳолисини газ билан таъминлаш мақсадида 15 миллион сўм пул ажратилди. «Қийқим» жамоа хўжалигида эса шунинг дастлабки самараси ўлароқ 250 та оила ҳонадонида газ ёна бошлади. Қўшни Иштихон тумани орқали алоҳида қувурлар туман марказига етказилянти.

Туманда вилоят ҳокимининг қарори билан йилига 4,5 минг тонна ун ишлаб чиқарувчи тегирмон қурилиши учун иш бошланди. Шунингдек, шу йилнинг ўзида 50 ўринли санаторийнинг биринчи навбатдаги қурилишини тугаллаш кўзда тутилянти. Яна 30 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси қурилиши бошланди. Ички ишлар бўлимининг янги биноси ишга туширилди. «Ахчобсой» сув омборининг биринчи навбатидан шу йил фойдаланила бошланади. Бундан ташқари, «Оқтепасой» сув омбори ҳам қурилиш арафасида. Сув омборларидан кўзда тутилган мақсад — туман хўжаликларида биринчи марта томчилатиб суғориш тадбирларини босқичма-босқич амалга ошириш. Мазкур ишлар амалга ошгудек бўлса, сўзсиз тумандаги иш ўринлари сони кескин кўпаяди, демакдир.

Шу пайтгача туманда ободонлаштириш ишларига ҳам деярли этибор берилмай қўйган эди. Асосий важ-бюджетда пул йўқ деган баҳона эди... Бундай баҳонани эса ялқовларга чиқарган. Туманда 81 та ташкилот мавжуд. Ҳоким ҳар бир ташкилотнинг ўзига ўз ҳудудида ободончилик ишини олиб бориш масъулиятини юклади. Бу топшириқнинг бажарилиши, керак бўлса, ҳафта сайин суриштириб турилди. Туман бўйича та қийинчиликларни бўйнига олган инсонгина тўғри йўлидан қайтмайди. Шу боис Мансур акага ҳазиломуз савол берамиз:

— Ҳаммаям қўлини кўксига қўйиб «ҳўп» демаётгандир бу ишларингизга?

— Э, қўяверинг, — дейди ҳоким. — Катта-каттадай, кичик-кичикдай булгани маъқул-да, тўғрими? Лекин қараб туриш йўқ: оғайни қўлингдан келса, обру опкел, қўлингдан келмаса жим утир, деяпман.

Мансур ака билан суҳбат асноси кўнглим тоғдай кўтарилди. Рост, у кишида истеъдод ҳам, куч ҳам, оқиллик ҳам, ғайрат ҳам етарли. Августнинг бошидаёқ давлатга ғалла топшириш режаси уддаланди. Ўтган йили қурамиз кучингни, деганлар тилини тишлаб қолди. Яхши ишлаган ғаллакорларга пул ва дондан керагича мукофот қилиб берилди. Айтгандек, шудгор ҳам оби-тобида... Шу сабабдан умидлар ишончга айланиб бораётир. Қўшработ деган гўшанинг янги раҳбарига ва оқкўнгил қўшработликларга «Худо қувват берсин сизларга!» дедим. «Худо сизлардан меҳру ҳамжиҳатликни ҳам кўтармасин!» дедим.

Ва мен энди қишлоғимга йўл олганда ишонч билан ишлаётган, яшаётган одамларни кўришдан хурсанд бўламан.

Йўл эса... ота-онамга, қон-қариндошларимга элтадиган йўл эса... эртага тузалади. Ҳеч ким текис йўлдан юриб катта бўлмаган-ку. Қолаверса, ҳаммамиз ҳам бу ҳаётда текис-нотекис йўлларнинг йўловчиларимиз. Имкон қадар текис йўл солиш бизга қарз. Шоир ҳам шундай деган. Тўғрими?

**Собир ЎНАР.**

"ГУЖУМ"
ЎЗБЕКИСТОН—БЕЛАРУСЬ
ҚУШМА КОРХОНАСИ
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари:
*гуруч, пиёз, саримсоқ пиёз, олма, болгар қалампири* ва бошқа неъматларни бартер асосида
СОТИБ ОЛАДИ
ва шартнома тузган мижозларга
БЕЛАРУСДАН
қишлоқ хўжалик тракторлари ва эҳтиёт қисмлари,ҳар хил қоплар, холодильниклар, телевизорлар, радио-техника буюмлари, турли русумдаги "МАЗ" юк машиналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, сара конфетлар, ноёб дори-дармонлар, картон қоғозларни
ЕТКАЗИБ БЕРАДИ.
Манзилимиз: Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 45-уй.
Телефон: 66-39-54.

### ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТЛАР ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОЖИКИСТОНДА

Журналистларни ҳимоя қилиш халқаро қўмитаси делегацияси бир неча кун давомида Тожикистонда бўлиб, республикадаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий вазият билан танишди. Делегация республикада нашр этилаётган оммавий ахборот воситалари аҳволини таҳлил этиб, қимматли маслаҳатлар берди.

### БМТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

Душанбедаги Фирдавсий номидаги давлат кутубхонасида БМТ ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган китоб кўргазмаси очилди. Кўргазмада БМТ ва унинг Тожикистон Республикасидаги фаолиятига бағишланган нашрлар, шунингдек бадиий, тарихий китоблар, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва БМТнинг бошқа ташкилотлари даврий нашрлари ҳам намойиш қилинади.

### ЁШЛАР КЎМАГИ

Тожикистон ёшлар ташкилоти Россия Федерацияси билан тузилган шартномага мувофиқ Тюмень, Екатеринбург, Оренбург шаҳарларига 100 нафардан зиёд йигит-қизларни қурилиш объектига ишлашга юборди. Келгусида бу иш яна давом эттирилади.

### ШАҲАР ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Тожикистондаги Панжикент шаҳрининг 5500 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик қурилмоқда. Москва ва Тошкент шаҳарлари босмахоналарида юбилейга бағишлаб кўхна ва навқирон шаҳарлар тарихи ва маданияти, кишилари ҳақида ҳикоя қилувчи бир неча китоблар чоп этилди. Юбилей кунигача маданият саройи, усти ёпиқ бозорлар ва шарқ усулидаги бошқа бинолар фойдаланишга топширилади.

### БОЖХОНА ТИЗИМИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Қозоғистон ҳукумати Россия — Қозоғистон чегарасидаги божхоналар сонини қисқартириш масаласини кўриб чиқмоқда. Мазкур тадбир Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг «Қозоғистон билан Россия Федерацияси ўртасидаги божхона назоратини бекор қилиш» ҳақидаги фармонига асосан ўтказилмоқда.

Қозоғистон Республикаси божхоналар қўмитаси раисининг ўринбосари В. Шклярнинг билдиришича, божхоналарни тугатишнинг аниқ муддати Россия Федерацияси Президентининг ҳудди шундай фармони эълон қилинганидан кейин маълум қилинади. Айни пайтда мамлакатдаги божхона тизими қайта ташкил этилмоқда.

### БУХОРО МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

Республикамизнинг фахри бўлган қадимий Бухорода шу йил 2-4 октябрь кунлари «Бухоро ва жаҳон маданияти» мавзусида учинчи халқаро симпозиум бўлади. 14 мамлакат, шу жумладан АҚШ, Германия, Италия, Буюк Британия, Дания, Франция, Польша олимлари узларининг Марказий Осиё тарихи, археологияси, Зарафшон воҳасининг моддий маданияти соҳасидаги кашфиётларини баҳам кўриш учун Бухорога ташриф буюрадилар.

Симпозиумда иштирок этиш ниятини билдирган олимлар орасида Америкалик Ричард Нельсон Фрай, петербурглик профессор В. Маасон, Ўзбекистон фанлар академияси академиги Г. Пугаченкова, қозоғистонлик академик К. Байбаков ва бошқа жаҳонга машҳур мутахассислар бор.

### ЭНГ УЗОҚ ДАВОМ ЭТАДИГАН ТЕЛЕСЕРИАЛ

Қозоғистонда машҳур «Санта-Барбара» фильмидан ҳам узоқ давом этадиган «Чорраҳа» телесериалини суратга олиш бошланди. Икки миллион икки юз эллик минг АҚШ долларини сарфлаш кўзда тутилаётган мазкур лойиҳани Буюк Британия ҳукуматининг «Ноу Хау» жамғармаси ўз бўйнига олди.

Муаллифлар фикрига кўра, мазкур телесериалда «Социализмдан капитализмга ўтиш даври» икки рус ва қозоқ оилалари тимсолида акс эттирилади. Фильмнинг илк қисмлари янги йилнинг бошида телевизор экранига чиқарилади.

### ПОЙТАХТНИ КЎЧИРИШГА ҲАЛИ ВАҚТ БОР

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев яқинда Қозоғистон Республикаси пойтахтини Алматидан Оқмулла (собиқ Целиноград) шаҳрига кўчириш ҳақида қарор қабул қилганди. Бироқ, пойтахтни кўчиришга ҳали вақт бор. Бу ҳақда Оқмулла вилояти маъмурияти раҳбари Андрей Браун шундай деди: «Пойтахтни кўчириш учун камида бир ярим — икки йил керак. Бунинг боиси шуки, Оқмулла шаҳрида турар жой фонди етарли эмас ва хизмат иморатлари Президент ҳамда ҳукумат вакилларининг бир меъёрда ишлаши учун тайёр эмас. Вазирлик ва идоралар ҳамда булажак Парламент учун ҳам бинолар йўқ».

### ҲОСИЛ ЭСА УНЧАЛИК МЎЛ ЭМАС

Қозоғистонда ғалла ўрими ҳар қачонгидан ҳам тезроқ ўтказилянти. Сентябрь ойининг ўрталарига ғаллазорларнинг 70 фоизида ўрим ишлари якунланди. Бироқ, ҳосил уччалик кўп эмас. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра бу йил бор-йўғи 12 миллион тонна ғалла уриб олинар экан. Бу ўтган йилдагидан 4 миллион тонна камроқ. Ёзнинг ута иссиқ келганлиги туфайли ҳосилдорлик бир мунча пасайган. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки Қозоғистонда Россиядагидан кўпроқ дон уриб олинади.

### ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон ва Қиргизистоннинг икки вилояти — Андижон ва Ўш вилоятлари газеталарининг ижодий жамоалари ўртасида ўрнатилган дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Улар бир-бирларининг ҳузурларига борди-келди қилиб турицади. Яқинда Андижонда ана шундай учрашув бўлиб ўтди. Ушлик журналистлар ҳамкасблари ҳузурида меҳмон бўлишди. Улар Андижон матбуотида чоп этилаётган мақолаларнинг сифати ва долзарблиги хусусида илиқ фикрлар билдирган ҳолда танқидий мулоҳазаларини ҳам айтиб ўтишди. Бундай учрашувлар икки қардош республика журналистларинг касб маҳоратини оширишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).**

# „БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН..."

*Маорифимиз жонкуярлари*

# ЧАРОҒБОН

«Инсон ўзидан авлодларига яхши хотира учун уч нодир неъматдан ақалли биттасини қолдириб кетмоғи жоиз», дея таълим беради ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд тариқатининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Маҳдуми Аъзам Даҳбедий. Унинг таъкидлашича, шу уч нодир неъматдан бири — бу «улуси нофеъ», яъни элу улусимга фойдаси тегадиган илмни ўрганиш, касб-ҳунар эгаллаш ва уни шогирдларига ўргатиб кетишдир.

Ҳар гал Клара Ҳакимова билан учрашганимда беихтиёр шу ҳикматли сўзлар ёдимга келади. Салкам 40 йилдан бери халқ таълими соҳасида садоқат, фидойилик-ла меҳнат қилиб келаётган онахонни табиат эзгу иш учун яратган десам муболаға бўлмайди. Маълумки, ўқитувчи, мураббий шогирдларига сабоқ, тарбия бериш учун аввало ўзи ўқимишли ва тарбияли бўлмоғи керак. Кейин фақат иш жойида эмас, кўчада, маҳаллада, тўй-маъракада, хуллас, ҳар қандай макон ва шароитда ҳам тарбиячилигича қолиб, ҳаммага эзгулик нурини баравар сочадиган инсон бўлиши керак деб ўйлайман.

Яқинда Каттақўрғон муаллимлар тайёрлаш билим юрти талабалари ҳаёти билан танишиш учун бориб, Клара опа билан ёшлар тарбияси, ўқитувчининг жамиятдаги ўрни, республикамизда халқ таълимини юксалтириш йўлидаги муаммолар ҳақида анча суҳбатлашдик.

— Ҳаётимни болаларсиз, билим юртисиз, ўқитувчиликсиз тасаввур қилолмайман, — дейди опа ўз ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қиларкан. —Хоҳлайсизми, йўқми, ривожлантириш, тараққиёт фақатгина илму-маърифат, халқ таълимини юксалтириш орқалигина амалга оширилади. Шунинг учун ҳам мустақил давлатимизнинг келажаги кўп жиҳатдан шу соҳага муносабатимизга боғлиқ. Шукурки, Президентимиз Ислом Каримов, ҳукуматимизнинг бошқа раҳбарлари бунинг моҳиятини тушунган ҳолда мураккаб иқтисодий шароитда халқ таълимини қўллаб-қувватлашмоқда. Қаранг, ҳар бир вилоят, ҳар бир йирик шаҳарда олий ёхуд ўрта махсус ўқув юртлари мавжуд бўлиб, маҳаллий ёшларнинг илм олиши, ҳунар ўрганиши, керакли мутахассисликни эгаллаш учун ҳамма шарт-шароит муҳайё этилган. Минглаб йигит-қизларимизнинг чет давлатларда замонавий соҳаларни ўзлаштираётгани ҳам республикамизга осонга тушмаётган бўлса керак. Собиқ СССР республикаларининг қайси бирида шундай кенг миқёсда ибратли ишлар амалга оширилябти?

Республикамизда ўнлаб муаллимлар тайёрлаш билим юртлари мавжуд. Уларнинг орасида Каттақўрғон билим юртининг ўз ўрни бор. Салкам етмиш йил ичида бу ердан ўнлаб йирик олимлар, давлат арбоблари, шоир-журналистлар, меҳнат зарбдорлари етишиб чиқди. Улар ҳозир республикамизнинг турли бурчакларида ҳалол меҳнат қилишяпти. Каттақўрғон шаҳридаги барча корхона, ташкилот, муассасалар, хусусий корхоналарда меҳнат қилаётган минглаб мутахассис, ишчи, зиёлилар шу шаҳардаги мактаблар, ўрта махсус ўқув юртларида сабоқ олишган.

—Ҳадемай билим юрти ташкил этилганига 70 йил тўлади, — дейди Клара Ҳакимова режалар ҳақида тўхталар экан. — Ўтган давр ичида ўн икки минг нафардан зиёд бошланғич таълим, меҳнат таълими, расм-чизмачилик ва тасвирий санъат ўқитувчиси, мактабгача тарбия муассасалари учун тарбиячилар тайёрланди. 1928 йилда бу ерда атиги 25-30 ўқувчи таҳсил олган бўлса, бугунги кунда тўртта бўлимда мингга яқин талаба ўқияпти. Уларга икки нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, 12 нафар Халқ таълими аълочиси, 5 методист-ўқитувчи, ўнлаб биринчи тоифадаги ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Шинам ўқув лаборатория хоналари, ётоқхона, ошхона, кутубхона, томоша зали, спорт майдончаси ўқувчилар ихтиёрида.

Булар яхши жиҳатлар, албатта. Лекин нимадандир кўнглим тўлмайди, — дея сўзларини якунлайди. Клара опа. — Биласизми, билим юртидаги тўртта бўлим шаҳарнинг тўрт томонида жойлашган. Бу нарса талабалар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам ўнғайсизликлар келтириб чиқаряпти. Жамоамиз орзуси — янги, замонавий ўқув корпусини қуриш. Бунинг учун ётоқхона ёнида жой ажратилган, бинонинг лойиҳа-сметаси, ҳужжатлари тайёр. Бу масалада бизни вилоят ҳокими ва вазиримиз қўллаб-қувватлашига шубҳам йўқ. Насиб бўлса, юқори ташкилотлар, вилоят ва шаҳар ҳокимлигининг амалий ёрдами билан шу иншоот ҳам қад ростлар. Ким билади, балки бу бинолар келгусида Каттақўрғонда янги бир олий ўқув юртининг ташкил этилишига тамал бўлар.

Ҳа, Клара Ҳакимова ана шундай замондошларимиздан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маориф ходими, ажойиб мураббий, ташкилотчи онахоннинг ниятлари амалга оширишига тилакдошмиз.

**Мамадали ЭРГАШЕВ.**

## БИР КУН БИР УМРГА ТАТИЙДИ

**Ишонаверинг, шундай бўлса ажабмас. Кечаги якшанба пойтахтда фаолият кўрсатаётган ўнлаб истеъдод марказлари аъзолари — ёшлар учун унутилмас таассурот қолдирди. Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида эртадан кечгача карнай-сурнайлар садоси тинмади. Бир ёнда барча туманлардаги шундай марказларнинг қўли гул аъзолари тайёрлаган ҳар хил кўргазмалар, суратлар ва митти кашфиётлар боққа келганларни ҳайратга солган бўлса, бир ёнда ёш санъат усталарининг чиқишлари кўнгилларга шодмонлик улашди.**

**Аслида «Истеъдод байрами»нинг ташкилотчиси республика «Истеъдод» жамғармаси бўлди. Жамғарма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев тантанага расмий тус бермасликни айтиб, барчани болалар иштирокида ташкил этилган катта сайилга таклиф этди. Ҳамманинг кўзи қувонди. Иқтидорли болаларнинг бетакрор санъатига таҳсинлар ўқилди. Сўнг... Бутун боғни тўлдирган меҳмонларни ошга чорлашди.**

**Арслон ЭШМУРОДОВ,**
**ТошДУ тоиби.**

**СУРАТЛАРДА: «Истеъдод байрами»дан лавҳалар.**
**Равил АЛЪБЕКОВ олган суратлар.**



# Халқ айтгани ҳақ чиқар

## САВОЛ – ЖАВОБ

**Ҳурматли таҳририят!**

**Мен 1939 йилда туғилганман, 56 ёшдаман. 13 йил тракторчи бўлиб ишладим. 22 йил ўқитувчилик қилдим. Шу холатда ҳозир пенсияга чиқишим мумкинми? Ёки 60 ёшга тўлсам чиқаманми?**

**И. ИСМАТОВ,**
**Самарқанд вилояти, Челак туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси.**

Таҳририятга келган ушбу хатни Ижтимоий таъминот вазирлигига жўнатган эдик. Вазир муовини А. Акбаров имзоси билан қуйидаги жавоб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги мактубингизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Амалдаги пенсия қонунига асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш — яъни, ерларни экишга тайёрлаш, экиш, экинларга ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириб олиш ва ҳакоза шунга ўхшаш ишларни бажаришда доимий банд бўлган тракторчи-машинист эркакларнинг умумий иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

ва ўқитувчиларнинг — махсус иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил илгари (55 ёшдан) имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ёшингизга қараганда умумий иш стажингиз 35 йил бўлиб, шундан 22 йил ўрта мактабдаги ўқитувчиликни ташкил этади. Лекин 13 йил тракторчилик даврнинг неча йили юқоридаги шартларга тўғри келиши ноаниқ. Агар тракторчилик даврни ҳеч бўлмаса 3 йили юқоридаги шартларга тўғри келса, ўқитувчи сифатида имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи иш стажингиз 25 йилни ташкил этади ва шундан кейин Сизга имтиёзли пенсия тайинлаш масаласини ижобий ҳал этиш мумкин.

*Меҳр-мурувват*

## «СЕМУРҒ»НИНГ ҲОМИЙСИ



Шовқи бобо ким дейсизми? Бу олиҳиммат инсон Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги «Андижон» номли деҳқон хўжалигида фермер. Шовқи ака асли қишлоқ кишиси. У Самарқанд вилояти Қўшработ туманига қарашли Бойтуп қишлоғида ўсиб вояга етди. Тошкентдаги қишлоқ хўжалиги техникумида билим олди. Оқолтин туманида ишлай бошлади. Механизаторлик қилди. Хўжаликнинг юксалишида, чўлнинг обод масканга айланишида муносиб ҳисса қўшди. Кейинроқ транспорт бўлими бошлиғи этиб тайинланди. Ўз ишига фидокорлик билан ёндашиб, кўпчиликнинг меҳрини қозонди. Замон талаблари ва эҳтиёжига сезгирлик билан эътибор бериб борар экан, дилида фермер бўлиш истаги туғилди. Бундан беш йил илгари давлатдан ўн минг сўм ссуда олиб ўнта қорамол сотиб олди. Ўн гектар ер ажратиб, фермерлик ишини бошлади. Давлатга сут ва гўшт етказиб бериш режасини бир йил ўтмасданоқ ошиғи билан бажаришга эришиб, давлатдан олган қарзини узишга муваффақ бўлди.

Ўтган йили туманда яхши ташаббусга қўл урилди. Хўжаликлардаги фермерлар кам таъминотли ташкилотларни ўз ҳомийлигига ола бошлади. Ш. Сапаров ҳам «Андижон» қишлоғидаги учта боғчадан бири -»Семурғ»ни ўз оталиғига олишга жазм этди. Деярли бир йилдан буён ҳар байрамда унинг сахий ва олиҳимматлилиги намоён бўляпти. Янги йил байрам эрталигида юздан ошиқ жажжилар байрам совғасини олдилар. «Наврўз» Халқаро болалар куни муносабати билан байрам кечаси ташкил этилди. Тарбияланувчилардан 28 нафар битирувчига яқинда ўқув қуроллари, мактаб сумкалари совға қилинди.

Ш. Сапаров ўз саховати ҳақида оддийгина шундай дейди: — Болалар қалбидай тоза, беғубор қалбни ҳеч нарсага тенг қилиб бўлмайди. Билмадим, нега шундай экан, оқ қалбида ғарази йўқ болажонларга меҳрим ўзгача. Шулар «раҳмат» дейишса, кўнглим тоғдек кўтарилади. Эртага шу қалблардан унган тоза чечаклар бошқаларга ҳам саховат нурларини сочишини орзу қиламан ва шунга ишонаман.

Ҳа, ҳозирги тақчиллик пайтида Шовқи ака Сапаровдай мурувватли кишиларнинг борлиги қувончли ҳолдир. Ҳомийнинг ҳали орзу, мақсади олдинда. Марказий иситиш системаси боғчадан узоқда бўлганлиги сабабли боғча яхши исимайди. Шунинг учун ҳам у боғчанинг ўзига алоҳида иситиш системаси қуриб бериш ҳаракатида юрибди. Олти гектар ер олиб, боғ яратмоқчи. Боғчани мева-чева билан таъминламоқчи. Хўжаликдаги бошқа фермерлар ҳам Шовқи Сапаровдан ўрнак олишса арзийди. Шунда қолган болалар боғчаларидаги жажжиларга ҳам ҳомийлар топилиши шубҳасиз.

**З. ШОДМОНОВА,**
**М. Улуғбек номли 7-ўрта мактаб ўқитувчиси.**

## ГАЗЕТХОН:

***...миннатдорчилик билдиради***

### РАҲМАТ СИЗГА, ДЎХТИРЖОН!

Ҳаммамиз иссиқ жонмиз. Яхши кунларимиз ортида ташвишли дамлар ҳам бўлади. Айниқса, биз оналарнинг дардимиз кўп. Яқинда тўрт яшар қизим Фаёза сариқ касалига чалинди. Дунё кўзимга тор кўринди ўша кунлари. Кўнглимга ҳеч нарса сиғмайди. Устига-устак у ўтган йилиям айнан шу хасталик билан оғриб, уч ой даволанган эди. Бу галгиси ошиб тушди. Жуда қўрқиб кетдик. Хайриятки, яхши, диёнатли инсонлар бор экан. Китоб шаҳар болалар юқумли касалликлар шифохонасининг шифокори Абдураҳмон Алиқулов қизимнинг ҳаётини қайтариб берди.

Дардни дард чеккан билади. Болажонимнинг бошида ҳар куни парвона бўлган бундай фидойи дўхтирлар илоё, кўпайсин-да!

**Назокат МЎМИНОВА,**
**Китоб шаҳри, Жалол Азимов кўчаси 12-уй.**

*... Мулоҳаза юритади*

### ЗИЁРАТГОҲЛАР ОЗОДА БЎЛСА

Инсон кексайиб, қарилик ўз ҳукмини ўтказа бошласа босиб ўтилган умр йўлларини сарҳисоб қилгиси келади... Имкони борича савоб ишларга бош қўшсам дея қайғуради. Очиғи, Шоҳимардон зиёратига ўғлим билан отланганимизда кўнглимдан кўп ёруғ ниятлар ўтди. Ва 90 ёшни қоралаб қолган волидаи муҳтарамамизни ҳам ёнимизга чорладик.

Шоҳимардон водийнинг энг сулим гўшаси. У ерга борган киши албатта, «Қули Қуббон», «Ёрдон ота»дек муқаддас қадамжоларини зиёрат қилмасдан қайтмайди. Биз ҳам шу азиз масканда мангу макон топган муборак зотларнинг қабрлари пойида Қурьон тиловат қилиб, тупроғини кўзларимизга тўтиё айладик. Лекин...

Ана шундай муқаддас қадамжолардаги айрим кўнгилсиз ишлардан қаттиқ ранжидик ҳам. Чунки узоқ-узоқлардан дили ёришиб келаётган инсонлар учун оддийгина шарт-шароитлар ҳам яратилмаганини қандай изоҳлайлик? «Қули Қуббон», «Ёрдон ота» сингари зиёратгоҳлардаги озодагарчилик ҳолати мутлақо талабга жавоб бермайди. Теварак-атроф ифлос, ҳар қадамда ахлат уюмлари тўпланиб ётибди. Бундай лоқайдликни кўриб айтса тил, айтмасанг дил куяди-да.

Ахир аждодларимиз ҳатто тоза ер устига ахлат ташлаш, ифлослантиришни гуноҳ деб ҳисоблаганлар. Биз-лар-чи? Энди билмадим, бундай дардли саволларга ким жавоб беради?

**Бегижон АЪЗАМОВ,**
**Андижон вилояти, Булоқбоши тумани.**

*Ёднома*

## БОЛАЛАРИМ ФАХРЛАНАДИЛАР

«Қизил Ўзбекистон» — «Ўзбекистон овози» рўзномасини ҳақли равишда маҳорат мактаби деб аташади. Мидхат Габидуллинга ҳам ана шундай ижод масканида меҳнат қилиш насиб этган. Кекса журналистлар унинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Ўзим эса бундай ижод соҳиби билан бирга турмуш кечирганимдан ғурурланаман. Унинг фарзандларига оталарининг меҳнат ва ижод фаолияти ҳақида кўп сўзлаганман. Ҳозир Мидхатдан қолган тўрт ёдгорлик, яъни фарзандлари оталари номи билан фахрланиб юришибди.

У урушдан кейинги йиллар, хусусан 1952 — 1957 йилларда «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси жамоасида адабий ходим бўлиб иш бошлаган. Партия турмуш бўлимида ўзининг ҳалол, топқир ва сермаҳсуллиги билан эътибор топди. Кейин хатлар бўлимига мудирлик қилди. Газетага ишга келгунига қадар партия ва ёшлар ишлари бўйича масъул лавозимларда ўзини кўрсатган Мидхат «Пахта учун кураш» Пискент туман газетасида муҳаррир ҳам бўлган.

У журналистгина эмас, балки шоир ҳам эди. Унинг қаламига мансуб долзарб ва лирик мавзудаги шеърлар, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳамда хўжалик соҳасига оид мақолалари газета саҳифаларидан ўрин олган. Жумладан, «Ижрони текшириш партиявий раҳбарлик,» «Қишлоқларимиз обод бўлсин» сарлавҳали мақолалари юксак баҳоланган эди. Мен унинг номини тилга олдим, Зоҳра Мидхатнинг, руҳи шод бўлса.

**Гения ВИЛЬДАНОВА.**

## «ҚОП ҚУЧОҚЛАГАН АЁЛЛАР»

*Акс-садо*

***(1995 йил 9 сентябрь)***

### АЁЛНИНГ ЖОНИ ҚИРҚТА

Мақолани қайта-қайта ўқидим. Муаллиф опа-сингилларимизнинг ёппасига савдога берилиб кетаётганлари тўғрисида куйиниб ёзибди. Лекин менинг бу хусусдаги фикрларим бошқачароқ.

Ёшим 55 да. 30 йилдан буён савдо соҳасида ишлайман.

Мен оилам, болам-чақам деб савдогарлик қилаётган аёлларимиз билан фахрланаман.

Негаки, биринчидан: эркакларимиз хотинлардек савдолашиб, бозори чаққон молни ололмайди. Иккинчидан, мақолада айтилганидек «йўл киранинг ярмини эмас», арзимаган пул учун обрўйимни тўкиб пачакилашиб ўтираманми деб ортиқчаси билан берадилар ва бошқа кирим-чиқимлар учун ҳам «мардлик» қилиб юборишлари турган гап. Тўртинчидан, келтирган моллари фойда эмас, зиён келтиради. Шунинг учун бу ишда опа-сингилларимизнинг, рафиқаларимизнинг ўзлари бош-қош бўлганлари маъқул.

Бундан ташқари, ҳар қандай фарзанд шаҳарма-шаҳар юриб кунда қозон қайнашини таъминлаётган оналарининг қадрига етади деб ўйлайман.

Вақти келиб бу кунлар ҳам эртакка айланар, дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлиб бойиб кетармиз. Қаддимизни ростлаб олгунимизча, фарзандларимизнинг соғлигини, қорнини, эгнини ўйламасдан иложимиз йўқ. Буни биз, эркаклардан кўра аёллар яхшироқ сезишади. Бола-чақа ташвиши уларни савдо йўлига бошлаган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, хотинларнинг жони қирқта. Қайтариб айтаман: биз бундай аёлларимиз билан фахрланамиз.

**Рустам ТОШКАНОВ,**
**«Асака-савдо» ҳиссадорлик жамияти аъзоси.**

### ҚАДРИНГИЗНИ ЙЎҚОТМАНГ!

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

«Қоп қучоқлаган аёллар» мақоласини ўқиб анчадан бери ўйлаб юрган фикрларимни сизлар билан ўртоқлашгим келди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом савдогар бўлганлар. Демак, биз умматлари ҳам ўз-ўзидан шу йўлга интиламиз.

Зарурат юзасидан сафарларда кўп юрганим боис ҳар хил одамларни учратиб, ҳар хил воқеаларга гувоҳ бўлганман. Менингча, савдогар миллатимизнинг шаънини ҳимоя қила оладиган шахс бўлиши керак. Буюк кашфиётчилар ва элчиларнинг ҳам савдогар бўлганлари тарихдан бизга яхши маълум. Айримлар «Тирикчилик-да» деб аёллар шуғулланаётган «савдогарлик»ни оқлашга ҳаракат қиладилар.

Кўплашиб йўлга чиққан аёллар эркаклардан мутлақо тап тортмайдилар. Бемалол гап отиб, ҳазил-мутойиба қилибгина қолмай, уларни ўрниларига чўзилиб ётиб оладилар.

Тўғри, баъзи оиласи ночор опа-сингилларимизни тушуниш керак. Бироқ ўзига тўқ, ҳамма нарсаси етарли аёлларимизнинг турли баҳоналар билан четга қатнашларини ёқлаб бўлмайди.

Бувиларимиз ўғиллари уйда узоқроқ ишламай қолиб кетса: «Ҳе, лўлининг эркаги!» деб койишганини эшитганман. Ҳозир ана шундай «лўлининг эркаклари» кўпайиб кетди. Хотинларининг қайси йўллар билан пул топаётгани ҳақида муталақо бош қотирмай, уларга боқиманда бўлиб, бола-чақасига кўз-қулоқ бўлиб ўтирган эркакларга раҳмим келади, ҳатто нафратланаман.

Эрлар оила бошлиғи ва унинг таъминотчиси бўлганлиги учун ҳам ҳурматга сазовордир.

Мен узоқ «сафар»га кетган хотинларининг йўлига кўз тикиб ўтирган «лўлининг эркаклари»га кўзингизни очинг, йигитлик шаънини ҳимоя қилинг! Эркаклик бурчларингизни бажаринг, акс ҳолда ҳурматингизни, қадрингизни йўқотиб қўясиз, дегим келади.

**Рустам АҲМЕДОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

## „ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА жавоб берадилар

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ:**

Бухоро вилояти ҳокимлиги шуни маълум қиладики, «Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 4 май сонида босилган «Чўлқуварга қайишадиган борми? сарлавҳали танқидий мақола атрофлича ўрганиб чиқилиб, унда тилга олинган камчиликларни тугатиш чоралари кўрилди.

Қоровулбозор туманининг Жарқоқ қўрғонида 3 та жамоа хўжалиги меҳнаткашлари истиқомат қиладилар. Унда қишлоқ врачлик амбулаторияси ишлаб турибди, амбулаторияга «Нива» маркали тез ёрдам машинаси ажратилган.

Қўрғонда мактаб, болалар боғчаси, аралаш моллар магазини, тегирмон, мойжувоз, маиший хизмат нуқталари, новвойхона бор. Қишлоқ йўллари асфальт қилинмоқда, алоқа хизмати кўрсатиш учун почтальон қўйилган. Жамоа хўжалиги идораси ва 5- мактабга телефон ўтказилган. Ғиждувон-Қоровулбозор йўналишида қатновчи автобус қунига 2 марта қўрғонга бораяпти. Туман марказида қурилаётган автобус бош бекатини шу йил охиригача ишга туширишга чоралари кўрилмоқда.

**Вилоят ҳокими ўринбосари**
**А. ХАЛИЛОВ.**

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ:**

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акционерлик компаниясининг масъул ходимлари «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1995 йил 20 апрель сонидаги «Йўл ёқаси томоша» сарлавҳали мақоласи билан танишиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Мақолада кўрсатилган ёқимсиз манзаранинг учраб туришини мухбир тўғри ёритиб берган. Мақола ёзилмасдан олдин ҳам йиллар давомида ана шундай хунук «томоша»лар бўлмаслиги олдини олиш чоралари кўрилган. Республикадаги барча «Йўл масофаларига» темир йўл ёқасини тегишли йўриқномалар талабларига асосланган ҳолда сақлаш тўғрисида буйруқ ва талабномалар берилган.

Тошкент-Ховос-Бекобод оралиғи асосан аҳолининг жуда зич жойлашган қисмидир. Бир неча ўн йиллардан бери шу ораликдаги Тошкент йўл масофаси (ПЧ-2) ва Ховос йўл масофаси (ПЧ-4) жамоаси томонидан аҳоли орасида тушинтириш ишлари олиб борилган. Маҳаллий ҳокимият бошлиқларига бир неча бор йўл ёқасига ифлос нарсалар, металл қолдиқлари, ахлат уюмлари ва бошқа дилни хира қилувчи чиқиндилар ташламаслик борасида тушунтириш ишлари олиб борилган, фотоайбномалар юборилган. Афсуски бизнинг ушбу талабларимиз кўнгилдагидек бажарилмаяпти.

Ҳозирда йўл ёқасини кўримли ҳолга келтириш учун йўл масофалари бор имкониятларни ишга солиб, техника ёрдамида тозалаш ишлари олиб борилмоқда. Бошқармамиз томонидан тегишли корхоналарга буйруқ ва кўрсатмалар бериб турилибди.

Ушбу муаммони батамом ҳал қилиш учун маҳаллий ҳокимиятлар ва рўзномалар биз билан биргаликда аҳолига ўз соғлиқларига зиён етказувчи ахлат, ифлос чиқиндилар ташламасликларини тушунтириш борасида иш олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси раисининг муовини**
**М. МАРТЬЯНОВ,**

*Хабарингиз борми?*

## ЯНГИЛИКЛАР КЎПУ...

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ташаббуси билан давр ўзгаришига қараб тиббий хизматни такомиллаштириш учун соҳамизда бир қанча ислоҳотлар ўтказилмоқда. Аҳолига поликлиника хизматини тубдан яхшилаш мақсадида тажриба сифатида бир вақтнинг ўзида ота-она ва болага тиббий ёрдам кўрсатувчи тизим пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 17-, 19-поликлиникаларда, аёллар маслаҳатхонаси ва 6-болалар поликлиникасида ташкил этилди. Аслида бу оилавий тиббий амбулатория бўлиб, бу ерда терапевт, педиатр, акушер-гинеколог, болалар стоматологи беморларни қабул қилади. Ундан ташқари лаборатория, рентген, физиотерапия ва шунингдек ихтисослашган хоналар ҳам мавжуд.

Аҳолига қулай бўлишини ҳисобга олиб ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳримизда диагностика ва консультация марказлари ташкил этилди. Улар мутахассислар, керакли тиббий аппаратлар билан таъминланди. Бундай замонавий тиббиёт масканлари дастлаб Яккасарой туманидаги туқимачилар комбинатининг тиббиёт бўлимида ва 3-болалар поликлиникасида барпо этилди. Тиббий ёрдамнинг бундай илғор услуби шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам кенг тарқалмоқда. Ривожланган мамлакатларда бу услуб кўп йиллардан бери жорий этилиб, оилавий шифокор мақомига эга. Эндиликда республикамиздаги тиббиёт институтларида бу янги тизимда ишлайдиган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар тиббиёт ходимларидан тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ва самарадорлигини оширишни тақозо этади. Ҳозирги кунда энг зарур тадбирлардан яна бири оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган. Республикамизда биринчи бўлиб ихтисослашган «Перинатал» маркази очилди. Унинг вазифаси ҳомиладор аёлларнинг шу даври хавф-хатарсиз ўтиб, соғлом бола туғилишига қаратилган. Марказга медицина фанлари доктори, профессор М. Асатова раҳбарлик қилмоқда. Замонавий ва ноёб тиббиёт анжомларини сотиб олиш учун шаҳар ҳокимлиги марказ учун ўн миллион сум ажратди.

Ҳозирги даврда соҳамизнинг зарур йўналишларидан бири стационар тиббий ёрдамни такомиллаштириш ва ихтисослаштиришдан иборат. Шу мақсадда майда бўлимларни бирлаштириб, йирик, юқори малакали бўлимлар, шифохоналар барпо эта бошладик. 1-шаҳар шифохонасида қуйиладиган учун марказ ва ўпка хасталиги учун махсус бўлим очилди. Қон касалликлари бўлими кенгайтирилди. Шаҳримизнинг Эски жўва даҳасида 75 ўринли буйрак хасталикларини даволайдиган нефрология маркази ташкил этилди. Сил касаллигига қарши диспансер, флюорография маркази очилди. Аҳолини флюорографиядан ўтказиш, сил касаллигига қарши эмлаш дастури тузилди.

Тез тиббий ёрдам кўрсатиш, санитария-тарғибот ташкилотлари, санитария-эпидемиологик хизматлардаги ислоҳотлар сўзимизни тасдиқловчи далиллардир.

Лекин соҳамизда муаммолар йўқ деёлмаймиз. Аҳолининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини қондириш бугунги кунда долзарб масала бўлиб турибди. Жумҳуриятимизда хом ашё, шифобахш усимликлар етарли бўла туриб фармацевтика саноати ривожланмаган. Тошкент фармацевтика заводи тайёрлаётган маҳсулот республикамиз эҳтиёжини икки фоиз қондиради холос. Маълумки, собиқ Иттифоқдаги республикалар билан иқтисодий алоқа узилиши дори-дармонлар, айниқса антибиотиклар, қанд касаллигида ишлатиладиган, жарроҳлик соҳасида зарур бўлган тикув материалларининг етишмаслигига олиб келди. Президентимизнинг дорихоналарни хусусийлаштириш ҳақидаги фармони бу ердаги дорилар турлари ва миқдорининг кўпайишига сабаб бўлди. Бироқ сотилаётган дориларнинг нархини қонунлаштириб тартибга солиш, арзонлаштириш муҳим муаммо бўлиб турибди. Қолаверса, икки миллион аҳоли яшайдиган пойтахтимиздаги ягона навбатчи дорихона талабга жавоб бермайди. Уларнинг сонини кўпайтириш зарур. Шифобахш минерал сувлардан фойдаланиш, фитобарлар, мумиёшуносликни ҳам ривожлантириш муҳимдир. Хуллас, кўп асрлар давомида шаклланган урф-одатларимиз, миллий анъаналаримиз, иқлим, демография ва шунга ўхшаш республикамизга хос вазиятни ҳисобга олган ҳолда улкамизнинг соғлиқни сақлаш тизимини тузиш зарур деб ўйлаймиз.

**Атҳам РАСУЛЕВ,**
**Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бош шифокорлар кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач.**

*Сиз севган санъаткор*

# ПЕШОНАСИ

# ЯРҚИРАГАН

# ЙИГИТ

Абдулҳайнинг қўшиқларини тахминан етти-саккиз йил аввал Тошкентда яшайдиган қуваликлар учрашувида эшитгандим. У рубоб чертиб, майин қўшиқ бошлаши билан нигоҳлар шу томон михланди. Ўрта бўйли, қош-кўзлари қора, ёқимтой йигит ажиб бир мусиқий, ширали овоз, чеҳрасида порлаган жозиба, кўзларидаги жилва билан ҳаммани ўзига қаратиб олди.

— Жуда яхши айтаркан-а, ким бу? — деб сўрадим ёнимдаги қувалик аёлдан.

— Абдулҳай Каримов! — шивирлаб жавоб берди у. — Қувада, бутун Фарғонада машҳур у.

Аёл бироз қўшиқ тинглагач, аста гапида давом этди.

— Марғилонлик мулло Асқар бобо деган ҳофизнинг набираси. Бобосини жуда илмли, санъатсевар одам бўлган дейишади. Маъмуржон Узоқов, Журахон Султонов, Расулқори ҳофизлар уларнинг уйларига келиб, ғазалхонлик қилишаркан. Навбатма-навбат ашулалар айтишаркан. Абдулҳай болалигида уларни хўп эшитиб, юрагига чўғ тушган бўлса ажаб эмас.

— Демак у бобосининг таълимини олган. Ота-онаси ҳам санъаткорми?

— Йўқ, улар оддий деҳқон. Қувада туришади. Абдулҳай Қувадаги мактабда математика ўқитувчиси эди. Санъатга қизиқиш устун келди. Тошкент Давлат консерваторияси-да ўқияпти.

Абдулҳай консерваторияда аъло баҳолар билан ўқиди. Мусиқа ва қўшиқ санъатини, мақомларнинг ижро усулларини кунт билан ўрганди. Янги қўшиқлар излаб, шоирлар билан дўст тутинди. У баъзилардек ёр васлини куйлаб, оҳ-воҳ билан саҳналарни банд қилмайди. Жазавага тушмайди. Дуч келган қўшиқни айтавермайди. Ҳеч кимга тақлид ҳам қилмайди. У одамларнинг тил учида турган, юрагига жиз этиб тегадиган, миллий қадриятларимизни, ўзбекона ғуруримизни улуғлайдиган қўшиқларни излаб, топиб айтади. Масалан, «Наврўз қайтиб келаверади» қўшиғининг сўзларини шоир Мирзо Кенжабекдан илтимос қилиб, унинг уйига қатнаб юриб ёздирганини кўрганман. «Фарғонада биттагина»ни Анвар Обиджонга ёздирган. «Сен қайдаю мен қайда»ни шоир Восит Саъдулло китобидан танлаб олган.

— Ҳамма шоирлар ҳам истаганингдек қўшиқ ёзиб беришавермайди, — дейди Абдулҳай, — кейин синглингиз Марҳабохонни ишга солдим. Мен айтишни истаган сўзларни Марҳабо топди.

Ҳа, Абдулҳай пешонаси ярқираган йигит эканки, истеъдодли шоира, нозиктаъб, бокира қиз Марҳабо Мамадалиевага уйланиб, тотув умр кечиришяпти. Уларнинг аҳиллиги, ижодий ҳамкорлиги, бирбирини тушуниши икковларига ҳам илҳом бағишлаяпти. Зеро, инсон истеъдодининг камолотида, парвозида аввало устоз, қолаверса оилавий муҳит қатта аҳамият касб этади. Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров сабоғи Абдулҳайга қанот берган бўлса, Марҳабо ёзган «Ўзингга шукр», «Тўй бола», «Тошкент», «Бойчечагим», «Ҳаёт бўлса кимнинг онаси», «Марғилондан қиз олинг», «Туркистонда» каби ўнлаб қўшиқлар Абдулҳайни бутун Ўзбекистонга танитди. Ҳозир Ўзбекистондаги бирон тўй «Тўй бола»сиз, «Тошкент»сиз, «Фарғонада биттагина»сиз ўтмайди.

Абдулҳай ҳар куни изланади. Тўйлардан чарчаб келса-да, бир-икки соат машқ қилади. Баъзан бу машқ тонгга уланади. Ёнида Марҳабо суянч. Бу оқила аёлгинанинг сеҳрли, нозик бармоқлари хонтахтани черта бошласа ажиб бир мусиқа таралади. Янги қўшиқ оҳанглари, сўзи туғила бошлайди.

Марҳабо бироз ўйга толиб, хонтахтани шўх-шўх чертади ва майин овозда куйлай бошлайди:

**—Оқ каптарим, оқ каптар,**
**Саволга тўлди дафтар.**
**Ерда жумбоқ кўп экан**
**Осмонда нима гаплар?**

Ҳазил-ҳазил билан ёзилган шеър машҳур қўшиқлар сафидан жой олди. Ҳадемай, «Дунё, дунё ёлғончи», «Синалаётган бандаман», «Кетаман деди», «Ватан севмоқ иймондандир» каби қўшиқлар ёзишди икковлари. Ўзбекнинг нимаси кўп, тўйи кўп. Бирига хўп деса, иккинчиси хафа бўлиб қолади. Абдулҳайнинг остонасидан мухлислар, тўйга таклиф қилувчилар қадами узилмайди. Бундан таъсирланиб, икковлари «Санъаткорга осон тутманг» номли қўшиқ яратишди.

Сизнинг ҳам руҳингиз қўлласин, набирангизни, Асқар бобо, Абдулҳайни халқ севади, қўллаб-қувватлайди. У ашула айта бошласа тумонат одам йиғилади. Юраклар завқ-шавққа тўлиб, ҳамма рақсга туша бошлайди.

Абдулҳай мухлисларидан ҳар куни хатлар олади. Яқинда минглаб конибодомликлар билан учрашиб қайтган Абдулҳай тожик шоири М. Зулфиқоровдан хат олди: «Сиздек зукко санъаткор билан дийдор кўришиш, санъатингиздан, қисқа суҳбатингиздан баҳраманд бўлиш қувонч бўлиб, хотирамда муҳрланиб қолди. Тожикистон халқи, хусусан Тожикистонда яшайдиган биз ўзбеклар ҳаётимизни сизларсиз тасаввур эта олмаймиз. Юртбошингиз И. Каримовнинг Тожикистонда осойишталик ўрнатиш, ҳар қандай тангликни бартараф этишга қаратилган катта ғамхўрликлари юқори баҳоланмоқда. Мана сизга ваъда қилган китобчамни юборяпман. Шеърлардан бирортаси дидингизга маъқул келиб, Сизнинг ижронгизда янграса, кексайган чоғимда ҳаётнинг менга берган мукофоти бўлади. Санъаткорлик истеъдодингиз ғоят ёрқин ва истиқболлидир. Унинг кенг равнақ топиши ва санъат оламининг кўрки бўлиб қолишига ишонаман».

Юртимизда тўйлар, байрамлар, учрашувлар бўлаверсину Абдулҳай куйлайверсин, куйлайверсин. Ҳозир Абдулҳай Расулқори ҳофиз, Ҳувайдо ва Машраб қўшиқларини, яна ўнлаб ашулаларни тайёрламоқда. Худойимнинг марҳаматлари, мухлисларнинг олқишлари азиз бошингиздан ёғилсин. Қўшиқдек азиз бўлинг, Абдулҳай!

**Санъат МАҲМУДОВА.**

*Китоб жавонингизга*

# САФЕД БУЛОН ҚИССАСИ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти грифи остида «Хазина» ижодий-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Шоҳ Ҳаким Холиснинг «Сафед Булон қиссаси» китобини нашр қилди. Уни Турсунбой Набиев билан Маҳмуд Ҳасанийлар нашрга тайёрлаган. Мазкур қисса «Сафед Булон тарихи», «Сафед Булон қиссаси» ёки «Ғазотномаи Шоҳ Жарир» номи билан машҳур бўлган.

Бундан бир неча йил муқаддам Сафед Булон мозорини зиёрат қилганимда эски ўзбек ёзувида битилган ана шундай қисса борлигини мозорга қараб турадиган кекса кишидан эшитган эдим. Уни ўқишни орзу қилиб юрардим. Китоб нашр этилганидан беҳад қувониб, уни қизиқиш билан ўқиб чиқдим.

Шоҳ Ҳаким Холис бу достонни ҳижрий 1226 йил-мелодий 1811 йилда ёзган. Асар асли араб тилида ёзилган бўлиб, уни аввал Хўжандий тахаллусли киши форс тилига таржима қилган. У катта маҳорат, дид билан ёзилган. Бадиий жиҳатдан ҳам мукаммал. Айниқса, ундаги мухаммаслар жуда гўзал. Бу асар нашр этилиши билан айтиш мумкинки, ўзбек мумтоз адабиётининг яна бир ёрқин саҳифаси очилди.

Асарнинг бир нечта қўлёзма нусхаси ҳам мавжудлиги, уларнинг ватанимиз тарихидаги оғир истибдод даврларидан омон ўтиб келганлигини назарга олсак, ўтмишда бу қисса кенг тарқалганлигини англаб олиш қийин эмас. Холиснинг ушбу асарини тўқима ривоят ёки ҳикоятлардан ташкил топган қисса эмас, балки шеърий роман деб аташ мумкин. Асарда бир минг уч юз йил аввал Фарғона водийсида, умуман Туркистонда арабларнинг дастлабки юришлари билан боғлиқ тарихий воқеалар ниҳоят даражада аниқ кўрсатилган.

Ўн тўққизинчи аср бошларида яшаб ижод қилган Шоҳ Ҳаким Холис тез-тез Сафед Булон мозорига зиёрат қилгани бориб турганлигини ёзади. Ана шу зиёратлар чоғида мазкур қиссани топган. Унинг аҳамиятини, тарихий воқеалардан ташкил топганлигини дарров англаган. Шунинг учун зўр ихлос ва илҳом билан қиссадан йирик шеърий асар яратган. У олти минг мисралик, тўрт рисоладан: «Ибратнома», «Арвоҳ», «Қиёматнома», «Шоҳи Жарир эрни ғазоти»дан иборат.

Асарга ҳозирги замон адабиётшунослиги, адабиёт талаблари ва нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо берилган тақдирда ҳам у бадиийлиги жиҳатидан пишиқ ва пухтадир. Қаҳрамонларнинг ички дунёси ёрқин, равшан кўрсатилган. Тарихий воқеалар аниқ акс эттирилган. Унда Расул Алайҳисалломнинг набиралари — қизлари Гулсумнинг ўғли Муҳаммад Жарир ҳамда унинг ўғли Шоҳ Фазлнинг ислом динини жорий этиш учун Фарғона водийсига юриши баён этилади. Асардаги тарихий шахслар ва жойларнинг номлари, воқеалар бўлиб ўтган вақт ҳар тарафлама текширилса ҳам тўғри чиқади. Воқеалар қадимги Ахси, Косон, Карвон шаҳарларида рўй берган. Ўша вақтларда Водийда Форс шоҳлари-Қубода (Қува) Хўшдод, Ахсида Хурмуз, Косонда Ихшит, Ўнғорда Карвон Бос ҳукмронлик қиларди.

«Сафед Булон қиссаси»да баён этилган воқеалар Сафед Булон мозорини қадимшунослар текширганларида тўла тасдиқланган. Қўшни Қирғизистонга қарашли Олабуқа туманидаги мозор Булон қишлоғида жойлашган. Аслида қишлоқ номи ана шу мозор номи билан аталган. Мозордаги «Шоҳ Фозил» номи билан юритиладиган меъморчилик обидаси жаҳон миқёсидаги тарихий аҳамиятга молик бўлган нодир ёдгорликлардан ҳисобланади. Бу ерда «Бу Булон» ҳамда «Каллахона» мақбаралари мавжуд.

Сафед Булон мозорининг улуғлиги шу даражадаки, уни зиёрат қилмоқлик ҳатто Макка ва Мадинани зиёрат қилмоқ билан баробар деган гап ҳам бор. Бунинг моҳияти, бу ерда шаҳид этилган мусулмон аскарлари макр қурбони бўлганлар. Душман уларнинг тепасига қилич кўтариб келганида ҳам номозни бузмаганлар. Худодан умидни узмаганлар. Эътиқод шу қадар кучли бўлганки, қиличга қайрилиб ҳам қарамаганлар. Араб аскарларини жанг майдонида енгишига ишонмаган Муғлар ниёқорлик ва номардлик билан уларга намоз вақтида, қуролни қўйган пайтларида ҳужум қилганлар. Муғ подшоси Карвон Бос араб лашкарбошиси Муҳаммад Жарирга қизини берган. Унга дўстлигини изҳор қилган. Тобелигини айтган. Мусулмон бўлишга ваъда берган. Бироқ ўн кун ўтмасдан қабиҳлик билан жума масжидида ана шундай қирғинни уюштирган. Шундан сўнг бу даргоҳ «Қирғин масжид» номини олган. Сафед Булондаги икки минг етти юз шаҳид мозори эса ҳақиқатан ҳам ғоят улуғ мозорга айланган.

«Сафед Булон қиссаси» китобининг нашр этилиши яна бир муҳим масалани ўртага қўйди. Бу шоир Шоҳ Ҳаким Холис ҳаёти ва ижодини ўрганиш масаласидир. Бу улуғ шоир Наманган вилояти ҳудудида туғилганлиги аниқ. Лекин қайси қишлоқдалиги маълум эмас. Ҳозир Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институтида унинг тўққизта тарихий шеърий достони сақланмоқда.

**Абдулла ЖАЛИЛ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлимининг масъул котиби.**


"ЎЗБЕКИСТОН — АМЕРИКА"
"АЛ-ФАРОСАТ"
қўшма корхонаси

арзонлаштирилган нархда нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сизга қуйидагиларни таклиф этади

— ROYAL — 125 NX назорат касса аппаратларини (давлат реестрига киритилган) ёдда сақлаш қурилмаси билан арзонлаштирилган нархда:
— пул ўтказиш йўли билан касса аппаратлари учун қоғозлар;
— назорат касса аппаратларини ишга тушириш, таъмирлаш ва буюртмачиларни ўқитиш;





— 486 DX 2 — 66 компьютерларини ҳамда буюртмачининг талабига асосан бошқа турдаги компьютерларни ва турли хил техникаларни "Ал-Фаросат" фирма дўконидан ("Афросиёб") харид қилишингиз мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси — 41.
Мўлжал: Алишер Навоий театри қаршисида.
Маълумотлар учун телефонлар: 36-55-18, 36-21-46.
Тел/факс: (3712) 36-73-44, 33-91-92.



ТАШКИЛОТ

МАЙДА ВА УЛГУРЖИСИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

*шарикли ручкалар, фломастерлар, стерженлар, папкалар, скорошивателлар (ҳужжатлар йиғиб қўйиладиган папкалар), канцелярия елими, паронит - 2, 3, 4 мм. (прокладка материали),*

*Паррандалар ва ҳайвонларни семиртирувчи "Примикс"қўшимча озиқлантирувчи ҳамда витамин ва вакциналар етказиб бериш юзасидан шартномалар тузади.*

*Ҳақ тўлаш—исталган шаклда.*

*Телефон: (3712) 33-41-47.*



ШИФОХОНАЛАР-ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚКАТИГА!

"АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ТАБОБАТ" фирмаси СИЗЛАРГА ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН 300 ДАН ОРТИҚ ДОРИ-ДАРМОНЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

АГАР СИЗГА ОШҚОЗОН-ИЧАК, ТЕРИ-ТАНОСИЛ, ЮРАК, ҚОН-ТОМИР, ЖИГАР, БУЙРАК, АСТМА ВА АСАБ ХАСТАЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛ КЕЛАДИГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЗАРУР БЎЛСА ФИРМАМИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

ФИРМАМИЗГА ДУНЁНИНГ БАРЧА ҚИТЪАЛАРИДАН ТУРЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР КЕЛТИРИЛМОҚДА.

Сиз фирмамиздан *"Термед"* (Германия), *"Стерлинг Хелс"* (Буюк Британия), *"КРКА"* (Словения), *"Берингер Ингельхайм"* (Австрия), *"ЦИЭХ Польфа"* (Польша), *"Эссекс Кеми АГ"- "Шеринг Плау"* (АҚШ), *"W Robertson Co LTD"* (АҚШ), *"Гедеон Рихтер"* (Венгрия), Россия, Украина каби жаҳондаги энг йирик фармацевтика ишлаб чиқариш фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни, шунингдек, ошқозон-ичак яраларига шифо ато этувчи *"Зантак"*ни, қаттиқ оғриқни қолдирувчи *"Сольфадеин"*ни харид қилишингиз мумкин.

ШОШИЛИНГ, СИЗГА ЗАРУР БЎЛГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР, МАЛҲАМЛАР ФИРМАДА ИСТАГАНЧА ТОПИЛАДИ. УЛАР ҲАМ АРЗОН, ҲАМ СИФАТЛИ.

*Фирма сотувдаги барча дори-дармонлар сифатини ва таъсир кучини кафолатлайди. Савдо-сотик пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.*

Фирма манзили:
*Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, I-а уй (метронинг"Ғафур Ғулом" бекати).*

Телефонлар:
44-24-34,
40-44-83,
40-48-06.
Факс:
40-48-53.


*Яхшидан боғ қолади*

# САВОБЛИ ИШЛАРНИ КЎП ҚИЛГАН

Фарғона вилоятининг узоқ йиллардан буён мамлакатимизнинг асосий пилла хомашёси манбаи бўлиб келишида уруғчилик заводи заҳматкашларининг ҳиссаси катта. Корхонанинг кекса ишчи-хизматчилари билан суҳбатлашсангиз, қадрдон заводларининг бугунги камолида унга узоқ йиллар раҳбарлик қилган ажойиб инсон - Сайдинисо Шокированинг хизматларини алоҳида тилга олишади.

Опа номини эҳтиром ила хотирлаб, унинг яхши ишларини эслашади.

Унинг ҳаёти шиддатли, қизиқарли, баъзан эса таҳликага тўла воқеаларга сероб. Ёшгина қизча хотин-қизларни фабрикага жалб этиш учун Бухорога жўнайди...

1921 йил Бухорода ҳали паранжисиз аёлнинг кўчага чиқиши фавқулодда ҳодиса саналган пайтлар. Кўп ўтмай Сайдинисо Сурхондарёнинг олис қишлоқларида пайдо бўлади. У ўзбек аёлларини ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишга чорлайди.

Сайдинисо опа узоқ йилар Тошкент, Бухоро, Андижон, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида раҳбарлик лавозимларида ишлади.

Фарғона шаҳар ижроия комитети раиси вазифасида ҳамда шаҳардаги қурт уруғи заводи директори бўлиб ишлаган кезларида ҳам шаҳар ободончилиги, янги иш жойларни ташкил қилиш билан жиддий шуғулланди.

— Мен тошкентлик бир қизга кўнгил қўйгандим. Лекин бўлғуси рафиқамнинг ота-онаси олис қишлоққа қиз бергилари келмади. Шунда Сайдинисо опа аралашиб, никоҳни тезлаштирган эдилар, — дея ҳикоя қилади 70-йилларда заводга директорлик қилган Қ. Тўхтасинов.

Опа ҳаётида бундай савобли ишлар жуда кўп. Унинг дунёдан ўтганига ҳам анча йиллар бўлди. Водийда аёллар озодлиги учун курашган бу жасур, билимдон опа номидаги катта кўча бор. Фарғоналиклар Сайдинисо Шокирова номини ҳеч қачон ёддан чиқармайдилар.

**Алишер ИБОДИНОВ.**

*Иморат пайрови*

# «ТАГИНИ» ҚУРИТИБ ОЛ...

**АБУЛҚОСИМ АКА**: — Эркинжон, кўпчилик уйли-жойли бўляпти. Эшитишимча, сен ҳам бир участкали бўлибсан. Белгилаб кетишган қозиқни ўрнидан олдингми? Ёки «янги қоқиб» кетишган қозиқнинг ўрнида ҳали ҳам капа тикиб ўтирибсанми?

**ЭРКИН АКА:** — Участка берилишида мўлжал бўлади. Ҳамма нарсани ҳам ўлчови бор. Ҳатто «тангадай» жойингизни ҳам. Шуни ҳам билмайсизми?

**АБУЛҚОСИМ АКА:** — Жой тангадайми ёки каттами, барибир жой. Янги жой муборак, ука! Энди ҳойнаҳой, уй қурсанг керак. Пойдеворини бошладингми? Ҳар ҳолда сен қийналмасанг керак, чунки кўпдан бери одамларникини «ковлаб юргансан»да, лаббай!

**ЭРКИН АКА**: — Ундай бўлса сиз бироз дам олиб туринг, менинг зарур ишим чиқиб қолди. Вақтингиз бўлса, «тошингизни» териб туринг, илтимос.

**АБУЛҚОСИМ АКА**: — Демак, пойдевор тагига аввал тош ташлаймиз, дегин. Маслаҳатинг тўғри-ку, аммо иморат қуришда аввал яхши бетончи керак. Яхши пойдевор қурувчи тополмасак, иморатнинг «таги» сенга ўхшаб, «бўш» бўлиб қолади-я.

**ЭРКИН АКА**:: — Тўғри айтасиз, ака. Ҳамма нарсани олдиндан пишиқ қилиш керак. Етти ўлчаб бир кес, дейишган. «Гувалак» бўлиб ётаверсангиз уй қачон битади, ака?

**АБУЛҚОСИМ АКА:** — Ҳали бу қурилишда ўз кўнглингча иш тутиб мендан «устун» бўлмоқчисан шекилли.

**ЭРКИН АКА**: — Албатта-да. Ақл ёшдамас бошда, дейдилар, сизга ўхшаб ҳаракатсиз ўтираверамани, бир жойда «фол» очиб.

**АБУЛҚОСИМ АКА:** — Ҳа майли, мен яхши устани топа қолай. Пойдевор маҳкам бўлиб, ғишт терилиб, деворлар қурилса, иморат битса, деворларни «силлиқлай оласанми» ўзинг, ё қўлимдан келмайди «лойим» паст деб, одамларга сирингни бериб қўясанми-а?

**ЭРКИН АКА**: — Бўлмаган гап. Сиз мени ҳали ҳам менсимаяпсиз шекилли. Қўлимдан ҳар иш келади. Ё ҳозироқ бир «ҳунар» кўрсатайми-а?

**АБУЛҚОСИМ АКА:** — Гапинг тўғри, ҳунарликни қўли гул дейдилар. «Тахта» дек қотиб туришингдан ҳафсалам пир бўлган эди-я.

**ЭРКИН АКА:** — Мен ҳам иморат устасиман. Агар усталигимга ишонмасангиз «Ром»кага тушганизда биласиз.

**АБУЛҚОСИМ АКА:** — Бу гапинг билан мени ҳали одамлар олдида «лой» қилмоқчисан шекилли,, Мени «эшикка» танба солишга ундама ука.

**ЭРКИН АКА**: — Феълингиз торлигидан уйингизга келган меҳмонларни ҳам тезда эшикка чиқариб қўясиз. Меникига келганларни ҳаммалари шод, ўзим меҳмоннавозман. Ахир, айтганлар-ку, «уйинг» тор бўлса ҳам феълинг кенг бўлсин, деб ака.

**АБУЛҚОСИМ АКА:** — Сен ҳали у деб ҳали - бу деб, мени кўпам камситаверма. Уйингни томига тўл ёпибсан. Дўлда йиртилиб кетган тўлдан уйингга чакка томяпти. Тагингни «қуритиб» ол, сўнг меҳмон кутасан.

**ЭРКИН АКА:** — Тушундим, нимага шама қилаётганингизни. Келаверинг, тунука қоқдирганман томга. Менга «уста»лик қилманг.

**АБУЛҚОСИМ АКА:** — Мунча катта кетасан ука, мен билан гап талашиб, туш «шифердан» сағал пастга, шифер синади-я.

**ЭРКИН АКА**: — «Бино»идек гапларни билардингиз. Аммо иморат устаси ҳам бўлдингизу, уйингиздагидек «сувоғингиз» кўчди-қолди. Нима гап ўзи ака?

**АБУЛҚОСИМ АКА**: — Мана, иморат пайрови ҳам қилдик. Лекин ғиштинг сифатсиз экан. Начора, бир-икки ёмғирга ҳам «дош» беролмадия. Мол эгасига ўхшамаса иш чатоқ деганлари шуда, ука!

**Ака-укалар пайровини оққа кўчирувчи**
**Абдулла ТОЛИПОВ.**

Жиззах вилояти Фориш туманидаги А. Боқиев номидаги 79-ўрта мактаб жамоаси мактаб директори Эргаш Саидхоновга фарзанди **МИРЗОХИДЖОН**нинг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Ҳайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0382.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20. 30.

1 2 3 4 5 6